Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 159 (4557).
15 ИЮЛЬ 1981 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИНОКОРЛАР БУРЧИ

ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАР ЎЗ ВАҚТИДА ВА МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ҚУРИБ БИТКАЗИЛСИН

14 июль куни Тошкентда республика партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда область партия комитетларининг секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети раисининг ва область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, область партия комитетлари қурилиш бўлимларининг мудирлари, министрликлар ва идораларнинг, бирлашмалар ва корхоналарнинг раҳбарлари, қурилиш ва монтаж трестларининг бошқарувчилари ҳамда партия ташкилотларининг секретарлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов кириш нутқи сўзлаб йиғилишни очди.

Йиғилишда республика қурувчиларининг 1981 йилнинг биринчи ярмидаги ишлари якунлари ҳамда министрликлар ва идораларнинг ўртоқ Л. И. Брежнев кўрсатмалари асосида социалистик мажбуриятларни бажариш соҳасидаги вазифалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. А. Ҳўжаев доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Умаров, Ўзбекистон ССР қурилиш министри С. А. Омеров, республика қишлоқ қурилиши министри Н. Р. Ражабов, «Ўзбекшахтострой» трестининг бригадири Д. А. Зазулин, «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғи Н. Р. Ҳамроев, Ўзбекистон монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри Х. А. Шоғазатов, Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри И. Ҳ. Жўрабеков, республика бинокорлик материаллари саноати министри М. Д. Муҳортов, «Қаракалпакирсовхозстрой» бошқармаси бригадири У. Полвониёзов, «Узколхозстрой» ранси Э. Ашуров, Ўзбекистон сув хўжалиги қурилиши давлат комитети раиси Н. Ғ. Қурбонов, Бухородаги 20-қурилиш трестининг бригадири Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Н. Ҳабибов иштирок этдилар.

Докладда ва нутқларда қайд этиб ўтилганидек, Ўзбекистон қурувчилари ва монтажчилари маблағларни ўзлаштириш жиҳатидан ҳам, шунингдек қурилиш-монтаж ишлари жиҳатидан ҳам биринчи ярим йиллик планини бажардилар. 1 миллиард 278 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди, 1,3 миллион квадрат метрга яқин ҳажмда уй-жой қурилди, 40 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилди.

Аммо бир қанча областлар, шаҳарлар ва районларда йирик корхоналар ва ишлаб чиқаришлар, шунингдек уй-жойлар ва социал-маданий ҳамда маиший объектларнинг ишга туширилиши кечиктирилаётганлиги муносабати билан капитал қурилишдаги ахвол ташвиш туғдирмоқда. Бу йил мамлакат халқ хўжалиги учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган 23 объектни фойдаланишга топшириш кераклиги йиғилишда таъкидлаб ўтилди. Ана шу объектлардан тўрттаси ҳозирдаёқ ишга туширилди, ўн олтитасида ишлар графикка мувофиқ олиб борилмоқда, учтасида қолоқликка йўл қўйилмоқда. Фарғона азотли ўғитлар заводидаги аммиак ишлаб чиқарувчи қувват, Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис бойитиш фабрикасининг навбатдаги секцияси ва Олмалиқ химия заводидаги сульфат кислота ишлаб чиқариш қуввати ана шундай қолоқ объектлардир.

Шу кунларда янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишнинг юзасидан 1981 йилга белгиланган топшириқлар сўзсиз бажарилишини назарда тутиб ишга туширилаётган қурилишлар устидан контролни ва уларга бериладиган оператив ёрдамни кучайтириш ғоят муҳим вазифадир. Йилнинг қолган ойларида ишга туширилаётган қурилиш майдонларида янада қизғин меҳнат маромини таъминлаш, уюшқоқликни ошириш, интизомни мустаҳкамлаш, қўшимча резервларни сафарбар этиш зарур. Ишларни ташкил этиш даражасини ошириш, ишлаб чиқаришнинг инженерлик жиҳатидан тайёрланишини такомиллаштириш, ходимларнинг маҳоратини ўстириш ана шундай резервлар жумласидандир. Бригада пудрати меҳнат унумдорлигини оширишнинг, меҳнаткашларни коллективчилик ва юксак даражада онглилик руҳида тарбиялашнинг жуда муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам, йиғилиш қатнашчилари уқтириб ўтишганидек, қурилиш ишларини ташкил этишнинг ана шу илғор формасини активроқ жорий этиш керак.

Актив йиғилишида Бухоро, Наманган областлари ҳамда бошқа баъзи областлар, шаҳарлар ва районларда уй-жой қурилиши суръатларининг пастлиги танқид қилинди. Уй-жойларни фойдаланишга топшириш планларини бажарибгина қолмай, балки мунтазам суратда ошириб бажариш, шаҳар ва қишлоқда қурилиш кооперациясини ривожлантириш, уй-жой қурилишининг материал-техника базасини мустаҳкамлаш зарур. Жумладан республика районларида ҳашар усулида ғишт заводлари қурилишини авж олдириб юбориш керак — бу яқин келажакда уй-жой қурилиши учун деворбоп материаллар етказиб беришни кўпайтириш имкониятини яратади.

Уй-жой сифатига алоҳида эътибор берилиши лозим. Уларнинг сифати ҳамон меҳнаткашларнинг ҳаққоний эътирозларига сабаб бўлмоқда. Биронта ҳам уй-жой, биронта ҳам социал-маданий ва маиший муассаса чала ҳолда фойдаланишга қабул қилинмаслиги, браклиларга нисбатан эса жуда қаттиқ талабчан бўлиш керак. Қурилиш сифати устидан контролдикни таъминлаш — партия ва совет органларининг, Госстройнинг, лойиҳа ташкилотларининг, жамоатчиликнинг вазифасидир.

Ҳозирги пайтда республиканинг ишга туширилади ган ҳамма қурилишларида энг масъулиятли палла бошланди. Пудрат ташкилотларининг энг яхши кучлари ана шу қурилишларга жамланиши керак. Бу ерда бюрократизм ташкилотларнинг диққат-эътибори кун сайин сезилиб туриши ва махсус материаллар билан ўз вақтида аниқ-пухта таъминлаб турилиши керак. Бунда барча ходимларга сифатли овқат, транспорт, савдо-сотиқ, маиший хизмат кўрсатилиши йўлга қўйилиши зарур. Бу қурилишларда ишлар икки сменада; зарур бўлиб қолган тақдирда эса уч сменада ҳам ташкил этилиши, қурилиш коллективларини маҳаллий ишчи кучлари ҳисобидан тузиш лозим.

Актив йиғилишида ишга туширилади ган қурилишларнинг партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, штабларга келганда белгиланган барча объектлар муддатидан илгари фойдаланишга топширилиши учун кенг кўламдаги социалистик мусобақани ташкил этиш уларнинг энг муҳим вазифаси эканлиги таъкидланди. Республикадаги ўн беш дондгор қурувчининг ташаббуси амалда қўллаб-қувватланишини таъминлаш — коммунистларнинг бурчидир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ана шу ташаббусни маъқуллади. Ўн биринчи беш йилликда ўн йиллик топшириқни бажариш учун ўтказилаётган мусобақа пировард натижада қурилишларни муддатидан илгари тугаллаш учун шарт-шароитлар вужудга келтиради, демак, уни омма ўртасида ёйиш мақсадга мувофиқдир.

Қурилишнинг юксак суръатлари ва сифати учун, ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш учун, қурилиш ишларининг самарадорлигини ўстириш учун кураш — КПСС XXVI съезди қарорларини рўёбга чиқариш учун, совет кишиларининг фаровонлигини ошириш, Ватан қудратини мустаҳкамлаш учун кураш демакдир. Шу боисдан ҳам республика партия-ҳўжалик активи йиғилишининг қатнашчилари беш йиллик биринчи йили плани ҳамда социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажариш учун ўз коллективлари бутун кучи сарфлашга яқдиллик билан азму қарор қилганликларини билдирдилар. Капитал қурилиш ишларини янада такомиллаштириш борасида съезднинг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари бажарилади, қурилиш-монтаж ташкилотлари республикада авж олдириб юборилган қурилиш программасининг бажарилиши учун жавобгар бўлган кишиларнинг ҳаммаси ўз бурчини шараф билан адо этади.

Актив йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, М. М. Мусаховнов, Т. Н. Осетров, И. Б. Усмонхўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Л. Н. Мелкумов, Н. М. Маҳмудова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, А. Р. Хўжаев иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ҚАРОРГА ЖАВОБАН

Тошкент ёғ-мой комбинати коллективи КПСС XXVI съезди қарорларига амалий жавоб бериб сезиларли ютуқларни қўлга киритиб келмоқда. Айниқса, ёғ-мойчилар тежамкорлик ҳаракатини кучайтириш асосида кўзланган маррага эришиш муқаррарлигини яхши тушуниб етганлар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Хом ашё, ёқилғи-энергетика ва бошқа моддий ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш ишларини кучайтириш тўғрисида»ги қарори коллективи янги марралар сари илҳомлантириб юборди. Улар мазкур қарорга биноан тежамкорлик ҳаракатини янада кучайтириб юбордилар.

Ёғ-мойчилар ўтган йили белгиланган ташкилий-техник тадбирлар планини муваффақиятли амалга оширишиб, кўплаб қимматбаҳо моддий ресурсларни тежаб қолган эдилар. Шу йилнинг ўтган ярим йили мобайнида ҳам 758,8 тонна шартли ёқилғи, 852 минг киловатт-соат электр энергияси, 3097 гикакалория иссиқлик энергиясини тежаб қолдилар.

Тежамкорлик ҳаракатида коллективнинг барча аъзолари, айниқса ижодий фикр кишилари — рационализатор ва ихтирочилар актив иштирок этмоқдалар. Улар кўпгина дастгоҳларнинг конструкцияларига ўзгартиришлар киритдилар, уларни тежамли ва унумли ишлайдиган қилдилар.

Комбинат коллективининг социалистик мажбуриятларида бу йил ҳам жуда кўплаб ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва бошқа материал ресурсларни тежаб қолиш кўзда тутилган.

М. ҲАКИМОВ.



Шаҳримиздаги 1-пойафзал фабрикасида кўплаб ёшлар меҳнат қилишади. Сиз суратда корхонанинг ёш тикувчиларидан бири, коммунист Марҳамат Соҳибоевани кўриб турибсиз. Бу илғор тикувчи коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номга эга.

И. Шоинғомов фотоси.

600 ТОННА ЁҚИЛҒИ

Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасининг Тошкент авиакорхонаси экипажлари ўртасида хизмат маданиятини ошириш, графикка қатъий амал қилиш билан бирга, ёқилғи-мойлаш материалларидан тежамкорлик билан фойдаланиш соҳасида ҳам ўзаро социалистик мусобақалар авж олмоқда. Авиакорхона коллективи шу йилнинг ўтган ярим йили мобайнида 600 тоннадан кўпроқ ёқилғи материалларини тежаб қолдилар. Бу эса олис шаҳарларга қатновчи самолётларнинг ўнлаб рейсларини тежалган ёқилғи ҳисобига бажариш демакдир.

— Ҳаво трассаларида энг мақбул траекторияни танлаш, шамол ва курс йўналишининг оптимал вариантларидан моҳирлик билан фойдаланиш туфайли шундай ютуқларга эришдик, — дейди «ТУ—154» самолётининг моҳир учувчи Р. Гулматов. Бизнинг экипаж эса шу йилнинг ўзида 50 тоннага яқин ёқилғи тежашга аҳд қилган. Эндиликда авиакорхона барча хизмат бўлинмалари ва экипажлари ўртасида тежамкорлик режимига риоя этиш юзасидан кенг ҳаракат давом этмоқда.

тонгги газеталарда

14 июль куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегацияси Улан-Батордан Москвага жўнаб кетди.

Делегация МХРП Марказий Комитети ва МХР ҳукуматининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан МХРга келган эди. Делегация Монголия халқ революциясининг 60 йиллиги байрамида қатнашди.

МУНОСИБ ҲИССА

«Ташкенткабель» заводи ихтирочилари ва рационализаторлари ўнинчи беш йилликда ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этишдан 4,3 миллион сўмлик фойда келтириш мажбуриятини олишганди. Бу вазда 104 процент адо этилди. Завод маъмурияти, ихтирочи ва рационализаторлар бюроси ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг актив фаолият кўрсатиши ана шундай натижага эришиш имкониятини берди.

Корхонада йилда икки марта иқтисод ва тежамкорлик кўригига якун ясалади, ғолибларга совринли ўринлар ва пул мукофотлари берилади.

Иқтисод ва тежамкорликдаги энг яхши таклифлар бўйича конкурсда геофизик кабелларни такомиллаштириш ҳақидаги таклифнинг муаллифлари М. Марьин, Н. Козлитин, А. Дергачёв, юқори кучланишли кабелларга ишлатиладиган материаллар сарфини камайтириш бўйича таклиф муаллифи технолог Л. Пак ғолиб чиқдилар.

Ўн биринчи беш йилликда корхона коллективи олдига меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, сифатини яхшилаш бўйича катта вазифалар қўйилган. Корхонадаги ижодий фикр эгалари бу вазифаларнинг бажарилишига ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.



2-пойафзал фабрикасининг чарм қирқувчиси Миранбар Ходиев республикамиздаги ўн беш ишлаб чиқариш илғори бошлаган ташаббусга қўшилиб, ўн биринчи беш йилликда ўн йиллик топшириқни бажариш, талайгина материалларни тежаш мажбуриятини олди. Ҳозир бу илғор ишчи ўз вазифасини шараф билан бажараяпти.

СУРАТДА: Миранбар Ходиев.

В. Сироткин фотоси.

МАЖБУРИЯТГА ЯРАША

Шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш бош бошқармасига қарашли 2-автомобиль комбинати коллективи тежамкорликдаги ютуқлари учун ўтган йили ВЦСПСнинг махсус дипломига сазовор бўлган эди. Транспортчилар ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йили биринчи ярмида ҳам қувончли муваффақиятга эришдилар. Жумладан, 178 минг литр бензин тежалди.

Ўтган ойларда 82 та аккумулятор, 136 шина, 110 минг киловатт-соат электр энергияси, 15 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар тежаб қолинди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИДА

Меҳмонхона хизмати маданиятини оширайлик

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Правда Востока», «Совет Ўзбекистони» ва «Ҳақиқати Ўзбекистон» газета редакцияларининг «Узсовпроф» билан биргаликда меҳмонхона хўжалиги ишларини текшириш юзасидан ўтказган рейди тўғрисида» қарор қабул қилди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети шуни таъкидлайдики, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, меҳмонхона хўжалиги бошқармаси партия, касаба союз ва хўжалик ташкилотлари, шаҳардаги ихтиёрида меҳмонхоналар бўлган бошқа министрликлар ва идоралар томонидан республика пойтахтида меҳмонларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш бўйича маълум ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга шаҳарда меҳмонхона хизмати даражаси шу кун талабларига ҳозирча жавоб бермайди. «Меҳмон кўнгли нозик» мақоласида кўрсатилган нуқсонлар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Правда Востока», «Совет Ўзбекистони» ва «Ҳақиқати Ўзбекистон» газета редакцияларининг «Узсовпроф» билан биргаликда меҳмонхона хўжалиги ишларини текшириш юзасидан ўтказган рейди бутунлай ва тўла равишда Тошкент шаҳридаги меҳмонхона хўжалигига ҳам даҳлдордир.

Масалан, «Ленинград» меҳмонхонасида майда нуқсонлари бартараф этиш бўйича кундалик назорат ўрнатилмаган. «Ёшлар уйи» меҳмонхонаси ички томондан ҳам, ташқи томондан ҳам хуниги чиқиб ётибди, уни дарҳол ремонт қилиш керак. «Олимпия» меҳмонхонаси ташландиқ ҳолга келиб қолган. «Ўзбекбирлашув» меҳмонхонасининг кўпгина номерларида водопровод суви оқиб ётганлиги аниқланди.

Айрим меҳмонхоналарда телефон будкалари ва аппаратларини, маиший буюмларни, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини тартибга келтириш лозим.

Мавжуд нуқсонлар кадрлар билан ишлаш яхши ташкил этилмаганлиги, айрим ходимларда ишнинг топширилган участкаси учун юксак масъулият йўқлиги, район Советлари ижроия комитетлари меҳмонхоналар ишини етарли назорат қилмаётганлиги натижасидир.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети шу масала бўйича қабул қилган қарорда Ўзбекистон Компартияси район комитетлари, халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетлари, меҳмонхоналар бошланғич партия ташкилотлари зиммасига «Правда Востока», «Совет Ўзбекистони» ва «Ҳақиқати Ўзбекистон» газеталарида «Меҳмон кўнгли нозик» сарлавҳаси остида берилган мақолада эълон қилинган меҳмонхона хўжалиги ишининг рейд текшируви натижаларини кенг муҳокама қилиш ва бошқа нуқсонларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш, хўжалик раҳбарлари зиммасига эса, меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, бу ишда меҳмонхоналар бошланғич партия ташкилоти ролини кўтариш вазифаси юкланди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ва халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетларига, идораларга қарашли меҳмонхоналарнинг раҳбарларига қуйидагилар:

— меҳмонхоналарнинг техник ҳолатини ошириш бўйича қўшимча чоралар белгилаш, уларни зарур ремонт ва қаттиқ инвентарлар, кўрпа-ёстиқ билан меҳмонхоналарнинг нормативларини ва разрядкаларига мувофиқ равишда таъминлаш;

— меҳмонхоналарнинг меҳнат коллективлари, ходимлари ўртасида меҳмонларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш бўйича социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш;

— меҳнат коллективларида ўртоқлик ва самимийлик вазиятини, юксак талабчанликни ҳисобга олган ҳолда яхши маънавий-психологик муҳитни юзага келтириш, ҳар бир ходимга ғамхўр ва эътиборли бўлиш, ишда унга ёрдам бериш;

— меҳмонхона жиҳозларини планли равишда ва изчил яхшилаб бориш, яшовчилар учун юксак қулайлик яратиш, ишни комплекс равишда маиший хизмат, савдо, умумий овқатланиш ва бошқа хизматларнинг ходимлари иштирокида олиб бориш, яшовчиларга хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш;

— барча меҳмонхоналарда аниқланган нуқсонларни рўйхатга олиш ва бартараф этишнинг ягона системасини белгилаш, бу ишда қават мудирлари ва қават навбатчиларининг назоратини таъминлаш, шунингдек, меҳмонхоналар ишини халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетлари ходимлари томонидан мунтазам текшириб турилишини таъминлаш топширилди.

Район партия комитетлари, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ва халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетлари меҳмонхоналарда зарур қулайликларни яратишга қодир бўлган кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишга кучайтиришлари, уларда ишнинг топширилган участкаси учун юксак масъулият ҳиссини тарбиялашлари лозим. Умумий овқатланиш бошқармаси, савдо Бош бошқармаси, шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармаси, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси, шаҳар «Союзпечать» дирекцияси зиммасига тегишли объектларнинг юксак техник ҳолатда бўлишини, Тошкентга келган ва шаҳар меҳмонхоналарида яшаётган меҳмонларга юксак маданиятли хизмат кўрсатишни таъминлаш юклатилди.

Шаҳар комитети «Ленинград» меҳмонхонаси партия, касаба союз ташкилотлари ва маъмурияти томонидан ишлаб чиқилган, меҳмонхонанинг барча хизматлари фаолиятини янада яхшилашга, Тошкент шаҳри меҳмонларига хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини анча оширишга қаратилган тадбирлар комплексини маъқуллади ва шаҳардаги барча меҳмонхоналарга ўн кун муддат мобайнида худди шундай тадбирларни ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш учун доимий назорат ўрнатиш, меҳмонларга хизмат кўрсатиш маданиятининг юксак даражада, меҳмонхоналар тоза ва саранжом-саришта бўлишига эришиш тавсия этилди.

Тошкентнинг 2 минг йиллик юбилейига бағишланади

ОНАЛАРНИ ШАРАФЛАЙМИЗ

Утган шанба куни Ўзбекистон ССР Соцал таъминот министрлиги билан пойтахт область касаба союзлари Совети шаҳримиздаги Тельман номли маданият ва истироҳат боғида «Оналарни шарафлаймиз» шиори остида пойтахтнинг 2 минг йиллик юбилейига бағишланган шаҳар байрамини ўтказди. Унда шаҳримиздаги 2,5 мингдан кўпроқ Қаҳрамон оналардан 2 мингга яқин киши қатнашди. Улар республика Социал таъминот министрлиги ва область касаба союзлари Совети томонидан уюштирилган виставкани томоша қилдилар, улар учун савол-жавоб столи ишлаб турди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг духовой оркестри Қаҳрамон оналарни ёзги театр биносида музика садолари остида кутиб олди.

Шаҳар социал таъминот бўлими бошлиғи М. Орипова тантанали йиғилишни очиб, республика социал таъминот министрининг ўринбосари Қ. М. Маҳкамовага сўз беради. У Октябрь революциясидан илгари чордевор ичида, паранжи ёпиниб, барча ҳуқуқлардан маҳрум бўлиб яшаган ўзбек хотин-қизларининг бугунги кунда социалистик жамиятнинг ҳамма соҳаларида эркаклар билан тенг ҳуқуқда, тинч яратувчилик меҳнати билан машғул эканликлари, коммунистик жамият қуришда қўшаётган ҳиссалари ҳақида гапирди.

Қаҳрамон оналарни боғча болалари, Совет Армиясининг оддий аскари Олег Сидоров, Тошкент область касаба союзлари, Совети секретари С. У. Муҳаммаджоновалар табриклашди.

Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, улар ҳақида кўрсатаётган оталарча ғамхўрлиги учун Қаҳрамон оналардан М. М. Бобоева, В. А. Захарова, Г. К. Турдиалиевалар партия ва ҳукуматимизга миннатдорчилик сўзларини айтишди.

Саҳна асарлари кўргазмаси

Шу кунларда шаҳримиздаги республика «Билимлар уйи»да Эстония республикаси театр рассомлари асарлари кўргазмаси муваффақият билан намойиш қилинмоқда. Кўргазмага рассомларнинг турли усулларда яратган 30 дан ортиқ иши қўйилган.

Ҳозирги кунда Эстония театрлари саҳнасида қўйилаётган саҳна асарларига ишланган безаклар, миллий кийимларнинг эскизлари кўргазмада алоҳида ўрин тутади. Ушбу экспонатларни ҳамшаҳарларимиз катта қизиқиш билан томоша қилмоқдалар.

Маълумки, Эстония ССР билан республикамиз санъаткорлари ўртасидаги алоқалар йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Шунинг учун келаси йил худди шундай кўргазма Эстония ССРда ҳам ташкил қилинади. Унда республикамиз театр мусаввирларининг асарлари намойиш қилинади.

телетайп лентасидан

ВЕНА. Австрия Ички ишлар министрлиги демократик жамоатчиликнинг тазъйиқи остида «Богомия ўрмони туристлари ва альпинистлар жамияти»ни тарқатиб юборишга қарор қилди. Янги нацист ҳарбий ташкилоти шу жамият ниқоби остида иш юрарди. Ташкилот аъзолари нацистлар ғоясини очиқдан-очиқ пропаганда қилиш билан шуғулланар, ҳарбий машқлар ўтказар, ғарбий Германиянинг янги нацистлари билан алоқа боғлаган эдилар.

Юқори Австрия суди март ойидаёқ янги нацистлар иттифоқини тарқатиб юборишга қарор қилган эди. Аммо иттифоқ ўзининг қонунга хилоф фаолиятини, шу жумладан очиқдан-очиқ нацистик руҳдаги журнални нашр қилишда давом этди. Маъмурлар Австрия антифашистлари қайта-қайта талаб қилгандан кейингина ўлка судининг шу ҳақдаги қарорини тасдиқлади.

АДДИС-АБЕБА. Кеттуси йил май ойида Умумафрика олимлар конгрессида Африкадаги давлатларни ривожлантиришда фаннинг ролини ошириш масаласи муҳокама қилинади. Учрашувнинг тайёргарлик комитети мажлиси тамом бўлганидан кейин бу ерда Африка бирлиги ташкилоти қароргоҳида шундай деб эълон қилинди.

Анжуман иштирокчилари қитъадаги мамлакатларнинг ҳукуматларига фан ва техника соҳасидаги тавсияларни ишлаб чиқади, Африка олимлари ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш йўлларини белгилайди, Африка Фанлар академиясини таъсис этади.

КАНБЕРРА. Австралияда қитъадаги туб аҳолининг байрами — миллий аборигенлар куни ўтказилди.

Шу муносабат билан «Соушелист» газетаси аборигенларнинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари учун кураш ҳаракати ўтган йил давомида янада кенг ва ташкилий тус олди, деб ёзади Ғарбий Австралиядаги Нунканба аборигенларининг муқаддас анъанавий ерларига бостириб кирган Американинг «Амакс» нефть монополиясига қарши кураши ирқчилликка қарши ва ерга нисбатан хусусий мулкчиликка қарши курашда бирлашиш учун қудратли омил бўлиб хизмат қилди.

ФРИТАУН. Сьерра Леоне Республикасида мамлакатдаги барча вилоятларни автомобиль йўллари билан боғлайдиган транспорт системасини тузиш планини ишлаб чиқиш ниҳоясига етмоқда.

Ягона тармоқни ривожлантириш Сьерра Леони миллий экономикаси учун биринчи даражали аҳамиятга эгадир ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жадал суръатлар билан ошириш йўлига мувофиқ келади. Масалан, 1981—1985 йилларда ҳукумат йўл қурилиши учун 29 миллион доллар ажратади. 4500 километрли йўлни ремонт қилиш ва 300 километрли янги магистраль ётқизиш планлаштирилмоқда. Бу йўлларни қуриш мамлакатда юк ва пассажир ташиш ҳажмини анча оширишга имкон беради.

(ТАСС).

• ДЎСТЛИК ИПЛАРИ МУСТАҲКАМ

Қардошлар ёрдами билан

Республикамизнинг Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги Осиё ва Африкадаги бир қанча дўст мамлакатларга сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги объектлари барпо этиш ва улардан фойдаланишда техник ёрдам кўрсатаяпти. 1978 йилдан бери ўзбек мелиораторлари Ангола Республикасида муваффақиятли ишлашяпти. Совет-Ангол ҳамкорлиги тажрибаси ва унинг келгуси идаги истиқболи ҳақида жамоатчи мухбиримиз Л. Гуро Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги чет элдаги қурилишлар Бош бошқармаси бошлиғи Х. З. Имомхўжаев билан суҳбатлашди.

— Қишлоқ хўжалиги Ангола Халқ Республикасининг экономикасида муҳим роль ўйнайди, унда аҳолининг 85 процента банд. Пахта, кофе каби асосан экспортга жўнатиладиган қишлоқ хўжалиги экинларидан бу мамлакатда мўл ҳосил олинмаяпти. Анголанинг табиий-иқлим шароити шундайки, бу ерда йилига бир неча марта ҳосил олиш ва 150 миллион кишини боқиш мумкин. Лекин, бу имкониятлардан ҳали тўла фойдаланилгани йўқ. Кўпгина анголаликлар учун нон дарахти меваси ва маниоки илдизи асосий озиқ-овқат маҳсулоти бўлиб қолаяпти. Қишлоқ хўжалигида деҳқончилик учун яроқли экин майдонларининг атиги 3 процентидан фойдаланиляпти.

Ангола мустақилликка эришгандан бери ўтган беш йил мобайнида мамлакат олдинга томон катта қадам қўйди. Янги ҳукумат қишлоқ хўжалигини тиклашга биринчи даражали аҳамият бераяпти. Лекин ёш республикада янги социал асосда ер ислоҳотини ўтказиш тажрибаси етишмай турибди.

Ўзбек мутахассислари анголалик дўстларга яқиндан ёрдам беришаяпти. Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг мутахассислари Анголада иккита давлат хўжалиги ташкил этишаяпти. Бу мамлакатдаги дастлабки юксак механизация, лашган қишлоқ хўжалик корхоналаридир. Буларда агротехниканинг энг янги методлари, замонавий машина, механизмлардан фойдаланилади. Икки хўжаликнинг бири пахта, иккинчиси бугдой етиштиришга ихтисослашади. Луанда яқинидаги «Онга-Занга» хўжалиги пахта етиштиришга, Уила яқинидаги «Уммата» хўжалиги галлачиликка ихтисослашади. Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг техник ёрдамида у ерда ерлар ўзлаштирилаяпти. Мутахассисларимиз суғоришнинг энг мақсадга мувофиқ схемалари ва усулларини ишлаб чиқишди. Метеорологик шароитлар ўрганилди, тупроқнинг химик хоссалари ва механик тартиби бўйича материаллар йиғилди. Ерларни ҳайдаш, бороналаб, экиш ва бошқа ишлар янги ўзлаштирилган ерларда ўзбек мутахассисларининг табсияси ва бевосита иштирокида амалга оширилаяпти.

Қишлоқ хўжалигини замонавий даражада тиришга ихтисослашади. Луанда яқинидаги «Онга-Занга» хўжалиги пахта етиштиришга, Уила яқинидаги «Уммата» хўжалиги галлачиликка ихтисослашади. Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг техник ёрдамида у ерда ерлар ўзлаштирилаяпти. Мутахассисларимиз суғоришнинг энг мақсадга мувофиқ схемалари ва усулларини ишлаб чиқишди. Метеорологик шароитлар ўрганилди, тупроқнинг химик хоссалари ва механик тартиби бўйича материаллар йиғилди. Ерларни ҳайдаш, бороналаб, экиш ва бошқа ишлар янги ўзлаштирилган ерларда ўзбек мутахассисларининг табсияси ва бевосита иштирокида амалга оширилаяпти.

Қишлоқ хўжалигини замонавий даражада йўлга қўйиш илгаригидан икки баравар кўп пахта, маккажўхори, бугдой етиштириш имконини беради. «Онга-Занга» давлат хўжалигининг айрим участкаларида пахта ҳосилдорлиги гектаридан 40 центнергача етди. Экиладиган майдонларда карам, пиёз, сабзи каби сабзавотлар ҳам икки баравар кўпайди.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги Анголага тадқиқот ва техника ускуналари, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги техникаси, уларга эҳтиёт қисмлар ва бошқа материаллар юбораяпти. Анголада экин майдонларини ёмғир усулида суғориш кенг жорий этиляпти. Боғларни ва сабзавот экилган майдонларни суғоришда бизнинг усулларимиз жуда қўл келаяпти.

Анголада механизаторлик янги касб. Совет-Ангола ҳамкорлигининг формаларидан бири анголалик дўстларни янги касбларга: комбайнчиликка, тракторчиликка, бульдозерчиликка, автомашина ҳайдашга ўргатишдан иборат бўлиб қолди. «Онга-Занга» давлат хўжалигида бизнинг Турсуной Охуновамиз издошлари бўлган қизлар биринчи марта қишлоқ хўжалиги машиналари штурвалларига ўтиришди.

Ҳозир ғалла далаларида қизғин палла. Пахта йиғим-терими давом этаяпти.

Совет-Ангол ҳамкорлиги тажрибаси жуда ибратлидир. Бу беш йилликда ўзбек мелиораторлари анголаликларга яна учта пахтачилик ва иккита галлачилик давлат хўжалиги ташкил этишда ёрдам беришади. Ҳозир материаллар тўпланди, давлат хўжалиги ташкил этилиши лозим бўлган вилоятлар ва ўзлаштириладиган майдонлар аниқланди, техник-иқтисодий кўрсаткичлар аниқланди.

ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 2-уйсозлик комбинатининг 60-бошқармаси бунёдкорлари пойтахтимизнинг Қорасув массивидаги 3-микрорайонда 90 квартирали 9 қаватли уй-жой биносини муддатидан илгари фойдаланишга топширди. Ушбу бинони тез ва соз қуришда, сайқаллашда комбинатга қарашли 4-монтаж бошқармаси, шунингдек, 2-пардозлаш трести жилокорлари самарали меҳнат қилдилар.

Комбинатнинг 4-қурилиш бошқармаси, 4-монтаж бошқармаси ҳамда 2-пардоз ишлари бошқармалари 2-Улугбек кўчасида ҳам худди шундай 90 квартирали муҳташам бинони ҳамшаҳарларимизга туҳфа этишди. Қурувчилар кунини меҳнатда янги ютуқлар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтараётган комбинат уйсозлари пойтахтимизнинг Қатортол кўчасида, Сергелининг 1-микрорайонида ҳам 126 квартирали уй-жойлар қурилишини жадаллаштиришмоқда. Бу жойларда қурилаётган кўркам бинолар шу ой охирига қадар фойдаланишга топширилади. Уларни тез ва соз қўлдан чиқаришда Пардозлаш трести 25-қурилиш бошқармаси, 2-уйсозлик комбинати, 2-пардоз ишлари бошқармаси қўли гул жилокорлари унумли меҳнат қилишяпти.

ЯНГИ МАКТАБ

Бу йил янги ўқув йили арафасида пойтахтимизнинг деярли барча районларида, янги кварталлар ва микрорайонларда замонавий лойиҳалар асосида қурилган янги мактаблар аҳоли фарзандларини ўз бағрига олади. Шундай мактаблардан бири шу кунларда пойтахтимизнинг Октябрь районидаги «Марказ—26» кварталида қад кўтарияпти. Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 159-трест бинокорлари мактаб комплексида умумий қурилиш ишларини кун сайин авж олдиришмоқда. Бу ерда қаватларни туташтирувчи плиталарни ва оралиқ деворларни монтаж қилиш ишлари жадал олиб борилаяпти. Бинокорлар объектни ўз муддатида фойдаланишга топшириш учун икки сменада иш ташкил қилишган.

Бундан ташқари, Юнусободнинг СВ—4Б микрорайонида ҳам 1176 ўринли янги мактаб биноси қурилиши олиб борилаяпти. Уни 4-қурилиш трестига қарашли 37-бошқарма бинокорлари тиклашяпти. Тез орада ҳар иккала мактабда ҳам ёрдамчи пудратчилар, пардозчилар ва ободонлаштирувчилар учун иш фронти яратиб берилади. Шаҳар халқ маорифи бўлимининг капитал қурилиш бўлими эса бу мактабларни янги ўқув жиҳозлари билан таъминлаш бўйича ишларни ниҳоясига етказмоқда.



△ БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

МЕХАНИЗАЦИЯ ШАРОФАТИ

Тошкент миллий чолғу асбоблари фабрикаси Ўрта Осиёда шу турдаги ягона корхонадир. Кейинги йилларда корхонада қувватни ошириш борасида талай ишлар қилинди. Айниқса, кўплаб ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялаштирилди ва автоматлаштирилди.

Бугунги кунда фабрикада 30 хил чолғу буюмлари ишлаб чиқарилаяпти. Миллий чолғу буюмлари усталари шундан тўрт хилини давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқариш ҳуқуқини қўлга киритганлар. Ўн биринчи беш йилликда буюмлар ассортименти янада кенгаяди. Ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш туфайли бир қатор янги буюмлар — Озарбайжон тори, Қорақалпоғистон дутори ва ғижжак каби миллий чолғу буюмлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга тайёргарлик кўрилмоқда.

* * *

Яқинда фотомухбиримиз М. Нуриддинов мазкур фабрикада бўлиб, бир нечта сурат олиб қайтди. Диққатингизга ҳавола этилаётган ушбу фотолавҳада фабриканинг пардозлаш цехида меҳнат қилаётган бир группа илғор ишчилар — Муҳаббат Эгамбердиева (чапдан ўнгга), Комила Неъматиллаева, Ҳуршида Азизова, Нажма Раҳматовалар акс этган.

• УЙ-РЎЗҒОР ТАШВИШИДА

ИЖАРА ХИЗМАТ РИВОЖЛАНЯПТИ

«Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш анча яхшилансин. Маиший хизмат кўрсатиш ҳажми тахминан 1,4—1,5 баравар кўпайтирилсин. Буюртмаларни бажариш сифати ва хизмат кўрсатиш маданияти оширилсин».

(«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларидан).

Замондошларимизнинг турмуш тарзини йил сайин ривожланиб бораётган маиший хизмат соҳасисиз тасаввур этиш қийин. Эрталаб «жиринг»лаб ишга уйғотадиган соат бузилса устахонага, хушбичим костюм тиктириш керак бўлса ательега, кийимга доғ тегса, химиявий тозалаш пунктига бериш керак. Тўй ва бошқа маросимлар ўтказиш учун идиш-товоқ ёки сафарга олиб кетиш учун транзисторли приёмник керак бўлса ижарага бериш пунктига мурожаат этилади.

Мабодо, кимдир сўраган буюм йўқ бўлса-чи? «Нега бўлмас экан?» деб ранжийди. Демак, айрим кишиларнинг назарида арзимас бўлиб кўринган ана шу хизмат турига бўлган талаб ҳам йил сайин ўсиб боряпти.

КПСС XXVI съезди совет халқи фаровонлигини ошириш мақсадида белгиланган режалар орасида аҳолининг маиший шароитларини яхшилаш, рўзғордаги меҳнатни енгиллаштириш, барча турдаги хизмат маданиятини ошириш зарурлиги алоҳида кўрсатилган. «Ташгорпрокатраз н о б и т» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 400 кишилик коллективи ҳам партия режаларини амалга ошириш учун мунтазам изланяпти. Чунки ана шу хизмат турини ҳозирги кун талабига тўла жавоб берадиган даражага етказиш учун ҳали анчагина ишлар қилиниши керак. Айниқса, аҳолининг у ёки бу буюмга бўлган талаби ҳамиша бир хил бўлавермайди.

— Чиндан ҳам аҳоли эҳтиёжини ўрганиш доимий эътиборимизда бўлиши керак, — дейди «Ташгорпрокатраз н о б и т» бирлашмаси директори Б. Қурбонов. — Масалан, бундан бир неча йил муқаддам пилесосларни ижарага олувчилар кўпчилик бўлган бўлса, эндиликда кондиционерларга бўлган талаб ошяпти. Сафар анжомлари ва спорт инвентарларини ижарага олувчилар кўпаймоқда.

Кейинги йилларда Бешқайрағоч, Юнусобод, Сергели массивларида, Авиасозлар шаҳарчаси, Ойбек маҳалласи ва бошқа жойларда саккизта янги салон очилди. Ҳозир ҳамшаҳарларимизга 36 та турли буюмларни ижарага берувчи салон хизмат кўрсатяпти. Булардан кишилар ўзлари учун зарур бўлган буюмни истаган муддатларга олишлари мумкин. Айниқса, Чимён дам олиш зонаси ва Чорвоқ сув омбори соҳилида очилган салонлар тоғ бағрида дам олишга чиқаётган ҳамшаҳарларимизга мазмур бўляпти. Бу ердан приёмник ва кино-фото аппаратларни, чанғи ва чаналарни, палатка ва ҳатто футбол ёки волейбол тўпларини олиш мумкин.

1981 йилда шаҳримиз районларида яна олтита буюмларни ижарага бериш салони очиш планлаштирилган. Ана шундай салонлар Акмал Икромов районида қурилаётган маиший хизмат комплексида, «Узбексельмаш» заводи ишчилар ётоқхонасида ва бошқа жойларда ташкил этилади. Жумладан, Чилонзор районида «Ҳамза» метро станцияси яқинида Халқлар Дўстлиги проспектидаги 2-уйда янги салон очиш кўзда тутилган.

Бирлашма коллективи бу йил аҳолига 2 миллион 400 минг сўмлик хизмат кўрсатиши керак. Ўтган олти ойда ҳамшаҳарларими з г а бир миллион 260 минг сўмликдан ортиқ ижара хизмати кўрсатилди. Шуни ҳам айтиш керакки, 1979—1980 йилларда тошкентликларга ижара хизмати кўрсатиш 25—27 процент ўсди. Коллектив КПСС XXVI съезди қарорларига амалий иш билан жавоб бериб, аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажмини келгусида янада кўпайтиради.

М. МУРОДОВ.

• *Турли касб эгалари*

Рулда чорак аср

Ҳайрулла Рўзиев қирқ бешларга борган, бугдой ранг, хушчақчақ, ишчан йигит. Совет Армияси сафидан куч-ғайратга тўлиб-тошиб қайтган Х. Рўзиевда троллейбус ҳайдашга ҳавас уйғонди. Унинг биринчи устозлари Т. Такиров, Т. Молчанова бу нозик касбнинг сир ва асрорларини ёш йигитга эринмай ўргатдилар. Ниҳоят, Ҳайрулла сафдошлари орасида биринчи бўлиб троллейбусни мустақил бошқара бошлади. Мана шунга ҳам чорак аср бўлибди. У ўз ишини сидқидилдан бажаряпти.

Ҳозирги кунда ҳамшаҳарларимизн и н г узогини яқин қилиш мақсадида ҳар куни 268 та троллейбус 21 та маршрут бўйлаб ҳаракат қилмоқда. Бирғина Ҳ. Рўзиев меҳнат қилаётган 2-троллейбус депосида эса 109 та троллейбус шаҳар маршрутларига бўлиниб япти. Ҳайрулланинг «Самарқанд» автостанцияси» — «Чилонзор-20-квартал» оралиғида қатновчи 19- маршрутли троллейбусида сменада 130—150 километр йўл босиш билан бирга нормага қўшимча 200 — 250 йўловчига намунали хизмат кўрсатяпти.

Партия ва ҳукуматимиз аҳолига транспорт хизматини яхшилаш мақсадида тинмай ғамхўрлик қилиб келяпти. Тошкент кўчаларида ЗИУ-9 типидаги янги троллейбусларнинг пайдо бўлиши бунинг ёрқин далилидир. Ҳайрулла Рўзиев замонавий типдаги машиналарни биринчи бўлиб ҳамшаҳарлари хизматига олиб чиққан биринчи классли ҳайдовчидир.

— Уч эшикли троллейбусда ишлаш ҳайдовчи ва йўловчилар учун ҳам жуда қулай. Биринчидан машинага бир йўла 130 киши сиғса, иккинчидан йўловчиларнинг чиқиш ва тушишига кетадиган қимматли вақти тежалади, — дейди биз билан суҳбатда Ҳайрулла.

Ҳ. Рўзиев пассажирларга юқори маданиятли хизмат кўрсатиш, социалистик мажбуриятларни бажаришдаги бой тажрибасини ҳайдовчилар орасида кенг ёймоқда. У ўнинчи беш йиллик топшириғини 3 йилу 10 ойда маромига етказди. Ҳозир моҳир ҳайдовчи ўн биринчи беш йиллик йўловчилар ташиш планини 3,5 йилда бажариш иштиёқи билан руль бошқармоқда. Тийин сўмларни келтириди, деганларидек Ҳайрулланинг кассасига 4 тийинидан йиғилган пуллар миқдори 4 йилда салкам 30 минг сўмга етди.

Ҳайрулла билимдон ҳайдовчи. У 100 га яқин шогирдини хизмат маданиятини юксалтиришга етаклади. Тургун Шеров, Сергей Колодкин, Анор Ўринбоев, Баҳром Тожибоев, Гарик Милмейстерлар устозлари сингари авариясиз юрувчилар мастери. Улар ҳозирда шу йилнинг сентябрь-октябрь ойлари ҳисобига троллейбус ҳайдамоқдалар. Устоз ўн биринчи беш йил охиригача яна 25 кишини мустақил троллейбус бошқаришга ўргатишга аҳд қилди.

Халқимиз инсон меҳнатини улуғлайди, шарафлайди. Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Ҳайрулла Рўзиевнинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа ёрқин из қолдирди. Партия ва ҳукуматимиз элга манзурли хизматини қадрлаб, эъзозлаб, билимдон, ширин-суҳан ва ташаббускор ҳайдовчини Ленин ордени билан мукофотлади. Биз уни муборакбод этиб: — «Йўлинг ҳамиша бехатар бўлсин, тонгни йўлда қаршилайдиган қўш ордени ҳайдовчи!» — деймиз.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.



Тошкент трактор заводи коллективи айни кунларда зўр кўтаринки руҳ билан меҳнат қилиб, дала меҳнаткашларига кўплаб қишлоқ хўжалик техникаси етказиб бериш учун курашмоқда. Ҳозир конвейердан тушириб олинаётган «Т-28Х4М» маркали трактор ва прицеплар колхоз ва совхозларга пешма-пеш жўнатилаяпти.

СУРАТДА: тракторларни жўнатиш пайти.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ДЎСТЛИК МЕВАСИ

СОФИЯ. Халқ Болгариясида Ихтиман чўян қуйиш комбинати дўстлик меваси деб аталмоқда. Болгария машинасозлигининг мана шу қудратли базасини лойиҳалашда ва қуришда совет мутахассислари иштирок этдилар. Корхонадаги машина-ускуналарни н г 90 процентига яқини Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган. Металл эритиш ва қуйиш совет технологияси асосида олиб борилмоқда.

Ҳозир бу комбинат БХР халқ хўжалиги учун зарур бўлган жами чўян қуймасининг учдан бир қисмини ишлаб чиқармоқда. Корхона маҳсулоти станоксозликда, транспорт машинасоз л и г и д а, электр техникада, гидравликада ва машинасозликнинг бошқа кўпгина тармоқларида кенг миқёсда қўлланилмоқда.

Бу ерда ишлаб чиқариш жараёнлари тўла-тўкис автоматлаштирилган.

Ихтиман чўян қуйиш комбинати — мамлакатнинг атроф-муҳитни ифлослантирмайдиган энг мусаффо корхоналаридан биридир. Ундаги технология жараёнлари энг замонавий талабларга мувофиқ бўлиб, комбинат ТЭЦининг бирдан бир қувуридан ҳам қора тутун эмас, балки буғ чиқиб туради: пухта тозалаш системаси ишлаб турибди.

МАШИНАСОЗЛАР РЕЖАСИ

БУДАПЕШТ. Венгрия машинасозлиги корхоналарида ҳозирги беш йилликнинг биринчи йилида минг хилдан кўпроқ янги маҳсулотни ўзлаштириш планлаштирилмо қ д а. Маҳсулотлар структурасини такомиллаштиришнинг кенг программасини амалга ошириш индустрия олдига ишлаб чиқариш структурасини модернизациялаш, унинг техникавий даражасини ошириш соҳасида катта вазифалар қўйган партиянинг XII съезди қарорларига биноан давом эттиришади.

Венгриядаги энг катта корхоналардан бири— Дебрецен шарикли подшипниклар заводини реконструкция қилиш натижасида маҳсулот турлари кўпайди.

Ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштириш программасини амалга оширишда Венгриянинг қардош социалистик мамлакатлар билан, аввало СССР билан ҳамкорлиги тобора катта роль ўйнамоқда.

ЯНГИ КОРХОНА

БЕРЛИН. Тўқув ва йигирув станоклари ишлаб чиқарадиган «Текстима» бирлашмасида «Текстима—электроник» деган янги корхона ишга туширилди, унинг маҳсулоти турли станоклар ва машиналарни электрон асбоб-ускуналар билан таъминлашга мўлжалланган.

ГБСП X съезднинг электроника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш тўғрисидаги қарорларига жавобан «Текстима» бирлашмасида «Текстима—электроник» деган янги корхона ишга туширилди, унинг маҳсулоти турли станоклар ва машиналарни электрон асбоб-ускуналар билан таъминлашга мўлжалланган.

ГБСП X съезднинг электроника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш тўғрисидаги қарорларига жавобан бирлашма мутахассислари янги серунум техника яратишнинг катта программасини ишлаб чиқдилар. Йил бошидан шу пайтгача меҳнат унумдорлигини анча оширадиган янги маҳсулотларнинг планда кўзда тутилган миқдорига нисбатан учдан икки қисми ишлаб чиқаришга жорий этилди. Электроника ютуқларидан баракали фойдаланиладиган машиналар ва бошқа асбоб-ускуналарни кўплаб ишлаб чиқариш учун ҳозирлаб қўйилди. Химиявий тозалаш фабрикалари, кирхоналар, бошқа маиший хизмат корхоналари мана шу асбоб-ускуналар билан қуроллантирилади.

«Текстима» маркаси қўйилган маҳсулот Совет Иттифоқи ва бошқа қардош мамлакатлар тўқимачилари ўртасида муносиб обрў-эътиборга сазовор бўлган.

ТАРИХИЙ САНА

БУХАРЕСТ. Руминия меҳнаткашлари дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Совет-Руминия шартномаси имзоланган кунининг 11 йиллигини нишонламоқда. Мазкур шартнома ҳар иккала мамлакат ўртасидаги кўп томонлама алоқаларни янада ривожлантириш учун кенг имконият яратди. Матбуот шу санага бағишлаб редакцион мақолалар ва бошқа материаллар босиб чиқармоқда.

РКП Марказий Комитетининг органи «Скинтейя» газетаси бундай деб ёзади: ҳозирги вақтда румин халқи Совет Иттифоқи халқларига самимий дўстона ҳис-туйғуларини яна изҳор этади, иккала партия, мамлакат ва халқ ўртасидаги қардошларча ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ҳар икки томоннинг манфаатларига мос бўлиб тушади, социализм, тинчлик ва тараққиёт буюк ишида ғоят муҳим ҳисса қўшади, деб ишонч билдиради. Румин халқи, деб таъкидлайди газета, СССР билан бўлган дўстона муносабатларни юксак қадрлайди. Совет Иттифоқи Руминиянинг ташқи экономика соҳасидаги асосий шериги дир. «Интеркосмос» программаси доирасида биргаликда космосга парвоз қилинганлиги фан соҳасида руминсовет ҳамкорлигининг ёрқин далилидир. Бизнинг мамлакатларимиз Европада ва бутун дунёда кескинликни юмшатиш жараёнини давом эттириш учун, тинчлик ва халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик муштарак мақсадлари учун курашиб, халқаро миқёсда ҳамкорлик қилмоқдалар.

СИФАТ УЧУН КУРАШ

СОФИЯ. Болгариянинг Шумен округидаги йигирматадан кўпроқ саноат корхоналари маҳсулотининг юксак сифати учун башланган ҳаракатга қўшилди. Львов ва Минск ишчиларининг илғор тажрибаси ана шу ҳаракатга асос қилиб олинган. Ёшлар шу ҳаракатда актив иштирок этмоқдалар. Комсомоллардан 180 киши ҳозирдаёқ маҳсулотни шахсан контроль қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ишчи-ёшлар 34 та саноат буюмига олий сифат категорияси берилишига эришиш мажбуриятини олдилар.

ИНДОНЕЗИЯДА ИШСИЗЛИК

ЖАКАРТА. Ишчи кучлари масаласи билан шуғулланувчи бошқарманинг секретари Суйоно Касмодихаржо Жакартада шу гапларни айтди: Индонезияда ҳар йили 1,3 миллион киши ишсизлар қаторига келиб қўшилмоқда. Ҳозирги вақтда, деб таъкидлади у, мамлакатда 3,5 миллион ишсиз бор. Янги иш ўринларини вужудга келтириш чоралари кўрилмаган тақдирда, унинг беш йиллик план охирига бориб, — 1984 йилда 10 миллиондан зиёд киши ишдан маҳрум бўлиб қолади.

Шу билан бирга маҳаллий экономистлар бу рақам тўлиқ эмаслигини таъкидламоқдалар. Уларнинг фикрича, ҳозирнинг ўзидаёқ Индонезияда ишсизлар сони ўн миллион кишига етди.

УРУШ ҲАРАКАТИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

БАЙРУТ. Ироқнинг бош ҳарбий қўмондонлиги маълум қилишича, Ироқ-Эрон фронтидаги Навсуд, Ғилоне Ғарб, Дизфул, Шуш, Сусенгерд, Аҳвоз ва Ободон районларида уруш ҳаракатлари давом этган. Ироқ қўшинлари ўтган кунлар ичида Навсуд яқинида Эроннинг 380 ҳарбий хизматчисини сафдан чиқарганлар. Фронтнинг бошқа участкаларида Эроннинг 51 ҳарбий хизматчиси ўлдирилган, 1 танки, 8 автомашинаси ва бошқа ҳарбий техникаси яксон қилинган.

Эрон қуролли кучлари бирлашган штабининг ахборотида жанговар операциялар чоғида Эрон қўшинлари Ироқнинг 300 га яқин ҳарбий хизматчисини қириб ташлаганликлари, душмандан, Шамсиозод тепалигини, шунингдек Малех Ҳенду ва Камар-Мамуле районларини тортиб олганликлари хабар қилинади. Эроннинг ҳаво ҳужумидан мудофаа кучлари Аҳвоз шаҳри районида Ироқнинг битта самолётини уриб туширганлар.

Мисрликлар қаттиқ танқид қилмоқдалар

ҚОҲИРА. Оппозициядаги социалистик меҳнат партиясининг органи — «Аш-шааб» газетаси газетахонларининг хатларини эълон қилди, газетхонлар ҳозирги Миср раҳбарларининг ташқи сиёсатини, жумладан унинг Исроил билан муносабатларни «нормаллаштириш» йўлини кескин танқид қилганлар.

Араб халқларига нисбатан қилинаётган жиноятлар тўхтамаётганлигига кўп жиҳатдан Миср билан «сулҳ» шартномаси тузилганлиги сабаб бўлмоқда, шунинг натижасида Қоҳира Исроил агрессиясига қарши кураш умумараб фронтидан четга чиқиб қолди, деб уқтиришади газетхонларнинг муаллифлари. Алимия шаҳри университетининг ўқитувчиси Жамол Абдул Ғанининг ифодали фикрига кўра Исроилнинг сиёнист раҳбарлари бу шартномани «арабларнинг бирдамлигини дафн этиш учун Миср ўз қўли билан қазиган ғўр» деб билмоқда.

Искандариялик Маҳмуд Иззатнинг уқтириб ёзишича, Тель-Авивга ҳар томонлама ёрдам ва мадад бераётган Қўшма Штатлар бунга таянч бўлиб турибди. Бегин ўзининг вашингтонлик хўжаларидан узлуксиз олиб турган ва араб халқларига қарши агрессив ҳаракатларда фойдаланаётган замонавий қурол-яроғ туфайлигина бемалол ҳаракат қилмоқда, деб уқтирали у.

Шу муносабат билан кўпгина хатларнинг муаллифлари АҚШ билан яқинлашиш сиёсатини ва Америка қуролли кучларига Миср территориясида «ҳарбий имтиёзлар» деб аталган имтиёзлар бериб қўйилаётганини танқид қилмоқдалар. Миср Араб Республикаси ядро энергияси бошқармасининг ходими Абдулла ҳалол бундай деб ёзади: Америка маъмуриятининг «арабларни ҳимоя қилиш» нияти самимийлигига соғлом фикрли бирон киши ишонмайди. Исроилнинг Ироқ ядро марказига қароқчиларча қилган ҳужуми бунинг исботидир, деб таъкидлайди у.

«Аш-шааб» газетхонлари ўз хатларида Тель-Авив билан ҳар қандай ҳамкорлик тўхтатилишини, Тель-Авивдаги Миср элчиси чақириб олинишини ҳамда Қоҳирадаги Исроил элчихонаси ёпиб қўйилишини, агрессорнинг бемалол ҳаракат қилишига имконият очиб қўйган Кэмп-Дэвид битимлари йиртиб ташланишини талаб қилмоқдалар.

ДРАМАТУРГЛАР КОНКУРСИ

ПРАГА. Чехия Социалистик Республикаси маданият министрлиги ва бир қанча ижодий союзлар ҳозирги замон драматургиясининг энг яхши асарлари билан умумреспублика конкурсини эълон қилдилар. Конкурс ЧКП XVI съезди мамлакатнинг маданият фронти олдига қўйган вазифаларни, яъни ҳозирги социалистик даврни яна ҳам чуқурроқ тасвирлашдан иборат вазифани рўёбга чиқаришда ёрдам бериши керак. Конкурс асарлари Чехословакиянинг бугунги ҳаётидаги муҳим проблемалари ва жараёнларига тааллуқли бўлиши, замондошларнинг образларини тўлароқ намойиш этиши лозим.

Конкурс якунлари ЧССР да Чехия театри йили деб эълон қилинган 1983 йилда чиқарилади.

ЭРОНГА ҚАРШИ ФИТНА

ТЕҲРОН. Теҳронда чиқадиган «Техран таймс» газетаси Америка империализми билан контрреволюция кучларининг Эронга қарши уюштирган кенг фитнаси тўғрисида хабар қилади. АҚШда, деб ёзади газета, Эронга қарши махфий операцияларни ишлаб чиқувчи махсус бюро тузилган. Давлат департаментининг, Марказий Разведка бошқармасининг, Пентагон ҳамда миллий хавфсизлик кенгашининг вакиллари ана шу бюрога аъзо бўлиб киргач. Ҳозирги вақтда мазкур бюронинг аъзолари Эронда буржуа партияларининг ва лавозимидан олиб ташланган президент Банисадр тарафдорларининг позицияларини мустаҳкамлаш йўлларини қидириш билан шуғулланмоқдалар. Бундан ташқари, деб давом қилади «Техран таймс», АҚШ Эрониинг Ироқ билан олиб бораётган урушига катта умид боғламоқда ва урушнинг давом эттирилиши Эрон қуролли кучларининг жипслашувига давлат тўнтариши қилиш учун шарт-шароитларни яратишга олиб келади, деб ўйлаб ана шу урушни чўзиш учун қўлдан келган ҳамма ишни қилмоқда.

Газетанинг хабар қилишича, Эрон мухожирлари доираларининг бошлиқлари Эрондаги аҳвол ва эҳтимол тутилган сиёсий ўзгаришлар тўғрисида Америка маъмуриятига доклад тақдим қилишган. Эронда давлат тўнтаришини тайёрлаш учун Марказий Разведка Бошқармасидаги мутахассисларнинг раҳбарлигида Миср ва ГФР да тайёргарликдан ўтган террорчиларнинг кўпдан-кўп гуруҳлари Эронга жўнатилган. Фитначилар, деб уқтиради «Техран таймс», даставвал қуролли кучлар тўпланган фронт бўйи районларда ўз базаларини вужудга келтиришни планлаштирмоқдалар.

Тахминан июль ойининг охирларига мўлжалланган тўнтариш қилингандан кейин, деб ёзади газета. Рейган маъмурияти Эронда генераллар ва муҳожирлардан иборат ҳукуматни ҳокимият тепасига чиқариб қўйишни режалаштирмоқда.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

СТУДЕНТЛАР, СИЗЛАР УЧУН

МЕҲНАТИНГИЗ ГАШТЛИ ЎТСИН

Ҳурматли редакция! Биз студентлар ўқув йилини тугатдик. Энди группамиз билан студент қурилиш отрядларига жўнаб кетамиз. Меҳнат жараёнида санитария-гигиена қоидаларига қандай амал қилишимиз керак? Ёзин меҳнат билан кўнгилли ўтказишда яна нималарга эътибор беришимиз лозим?

Ш. Уланов, Д. Мақсудов ва **А. Мирзондовлар.**

Оқшомхонлар савол ларига жавоб бериш мақсадида медицина фанлари кандидати Игорь Иванович Понамаренко маслаҳатини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Ҳаммамизга аёнки, ақлий меҳнатдан унча оғир бўлмаган жисмоний меҳнатга ўтиш ҳар томонлама фойдалидир. Учинчи меҳнат семестрига қўйиладиган муҳим талаблардан бири студентлар меҳнати, турмуши ва дам олишини тўғри ташкил этишдир. Баъзи бир студентларнинг иш жойига етиб боргандан сўнг ўзларини бироз ёмон ҳис этишлари табиийдир. Бунга асосан йўлда чарчаш, иқлимнинг ўзгариши ҳамда жисмоний меҳнатга кўникмаганлик сабаб бўлади. Бу ҳолатлар студент организми шароитига мослашгандан сўнг тезда ўтиб кетади.

Студентлар янги шароитга мослашиши ва жисмоний меҳнатга кўникишлари учун, улар тез чарчаб қолиб, соғлиқларига путур етмаслиги учун меҳнат семестрининг биринчи ҳафтасида қисқартирилган иш куни жорий қилиш тавсия этилади. Чунончи, ҳафтанинг биринчи кунида ташкилий ишлар ва ободонлаштириш ишлари билан шуғулланиш мақсадга мувофиқдир.

Шуниси диққатга сазоворки, меҳнат унумдорлиги ошишида кишининг кайфияти ва руҳий ҳолати муҳим аҳамиятга эга. Кайфиятнинг сўниши, салбий таъсири ҳамда хоҳиш бўлмасдан, шунчаки кўр-кўрона ишлаш кишининг тез чарчаб қолишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам қурилиш отрядларида яхши медицина-гигиена қоидалари талабига жавоб бера оладиган етарли шароитни яратиб, уларнинг меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Натижада мазкур фойдали тадбирлар ҳам ўзларининг фойдали таъсирини кўрсатади. Студент қурилиш отрядларида ишнинг бир маромда бориши эса меҳнат унумдорлиги ортишини таъминлайди.

Ишни тўғри ташкил этмаслик, ишда меҳнат интизомларига риоя қилмаслик, тартибини бузиш ҳолатлари, студентларда меҳнатдан кўнгил совушга олиб келиши мумкин. Иш куни ва ҳафтасининг узунлиги ҳам саломатлик, меҳнатга муносабат ва меҳнат унумдорлиги ортишига путур етказиши мумкин.


Студентлар нормал шароитда ҳафтасига олти кун ишлаганларида уларнинг марказий асаб системалари, юрак-қон томир ва мушак системалари иши яхшиланиб, студент бақувват ва чидамли бўлади. Мутахассислар кузатишлари шуни кўрсатадики, қурилиш отрядларида меҳнат қилиб чиққан студентларнинг медицина ёрдами олиш учун мурожаат этишлари 3 мартага, шамоллаш касалликларига чалиниш ҳолатлари 4 мартага, улар ўртасидаги турли жароҳатланишга чалиниш ҳоллари эса 3 мартагача камайган. Уларнинг дарсларни ўзлаштириш ҳолатлари ҳам анча яхшиланган.

Одатда, студентларнинг меҳнатдаги ҳаракатн ва маҳорати малакали ишчиларнинг меҳнат унумдорлигидан 2—3 марта пастроқ бўлади. Қурилиш отрядларида иштирок этаётган баъзи бир азаматлар ўзларидаги мазкур камчиликни тузатиш ва малакали ишчилар каби меҳнат ютуқларига эришиш учун иш соатларини узайтириб, 10—12 соатлаб, баъзан ҳам олиш кунларн ҳам меҳнат қилишади. Агар иш бу йўсинда олиб борилса студентлар тез чарчаб қолиши, ишнинг унуми паст бўлиши ҳамда кунниинг иккинчи ярмида тез чарчаш каби ҳолатлар рўй бериши мумкин. Иш режимига риоя қилмаслик соғлиққа зарар етказиб, шошмашошарлик натижасида турли шикастланишлар келиб чиқиши мумкин. Шуни унутмаслик керакки, меҳнатга бўлган қобилиятни сақлаб қолишда, дам олишга ҳам катта аҳамият бериш лозим. Албатта, бунда студентларнинг бажараётган ишларини ва уларнинг турини ҳисобга олиш лозим. Шунга қарамай, умумий конфликт бўйича ҳар 1,5 соатдан сўнг 10—15 минутли танаффус қилган маъқул. Улар оғир ишларни бажаришаётган бўлса ҳар соатда дам олишлари керак. Қурилиш отрядларида меҳнат қилиб чиққан студентларнинг медицина ёрдами олиш учун мурожаат этишлари 3 мартага, шамоллаш касалликларига чалиниш ҳолатлари 4 мартага, улар ўртасидаги турли жароҳатланишга чалиниш ҳоллари эса 3 мартагача камайган. Уларнинг дарсларни ўзлаштириш ҳолатлари ҳам анча яхшиланган.

Одатда, студентларнинг меҳнатдаги ҳаракатн ва маҳорати малакали ишчиларнинг меҳнат унумдорлигидан 2—3 марта пастроқ бўлади. Қурилиш отрядларида иштирок этаётган баъзи бир азаматлар ўзларидаги мазкур камчиликни тузатиш ва малакали ишчилар каби меҳнат ютуқларига эришиш учун иш соатларини узайтириб, 10—12 соатлаб, баъзан ҳам олиш кунларн ҳам меҳнат қилишади. Агар иш бу йўсинда олиб борилса студентлар тез чарчаб қолиши, ишнинг унуми паст бўлиши ҳамда кунниинг иккинчи ярмида тез чарчаш каби ҳолатлар рўй бериши мумкин. Иш режимига риоя қилмаслик соғлиққа зарар етказиб, шошмашошарлик натижасида турли шикастланишлар келиб чиқиши мумкин. Шуни унутмаслик керакки, меҳнатга бўлган қобилиятни сақлаб қолишда, дам олишга ҳам катта аҳамият бериш лозим. Албатта, бунда студентларнинг бажараётган ишларини ва уларнинг турини ҳисобга олиш лозим. Шунга қарамай, умумий конфликт бўйича ҳар 1,5 соатдан сўнг 10—15 минутли танаффус қилган маъқул. Улар оғир ишларни бажаришаётган бўлса ҳар соатда дам олишлари керак. Қурилиш отрядларида врач бўлиб, у студентларни, объектларни текшириб туриши лозим. Техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш врач назорати остида ҳам бўлади.

Шуни яна бир бор таъкидлаб ўтамизки, юқоридаги тавсияларга амал қилинса, студентларнинг меҳнат семестрлари унумли ва гаштли ўтиб, уларнинг кучларига куч, соғлиқларига соғлиқ қўшилади.

Ю. АХРОРОВ ва **Т. РАСУЛЕВ** тайёрлашди.



Эл соғлиғи йўлида кечани кеча, кундузни кундуз демай сидқидилдан меҳнат қилиб келаётган шифокорлар оз эмас. Нурмат Қосимов ана шундайлардан бири. У ўн икки йилдан буён «Главташкентстрой» медицина-санитария қисмининг клиник касалхонасида ишлаб келади. Бу орада у ишлаётган уралогия бўлимидан юзлаб беморлар ўз дардларига шифо топиб кетдилар.

СУРАТДА: Н. Қосимов беморнинг рентген суратини кўздан кечирмоқда.

Х. Мирзакаримов фотоси.

САЙЁР

ЙЎЛЛАР САХОВАТИ

Ёзувчи Сайёр яқинда «Йўллар саховати» номли қиссасини ёзиб тугатди. Унда Украина ва Ўзбекистон халқларининг самимий биродарлик туйғулари қаламга олинган.

Қуйида ана шу янги қиссадан бир парча билан танишасиз.

Эртасига Скадовск районига ўтиб кетдик. Бу шаҳар Қора денгизнинг шундоққина қирғоғида жойлашган экан. Райком биноси олдида бизни райком котиби Чабан Микола Богдановичқутиб турарди. Биз олдиннма-кейин унинг бағвоз, катта кабинетига кириб бордик.

— Сиз Ўзбекистондан-мисиз? — деб сўради у менга жой кўрсатиб, илтифот қилар экан.

Мен унинг сийраклашиб қолган оппоқ сочларига, узун қоматини бироз эгиб туртиб чиққан елкаларига қарадим. Ёши улуғ одам экан. Урушни ҳам кўрган бўлса ажаб эмас, деб ўйладим.

Ўртадаги сукут кўп ўтмай ўзидан ўзи булутдек тарқалди-кетди. Самимий суҳбат бошланиб кетди.

— Ўзбекистонда бўлганмисиз? — деб сўрадим ундан.

— Ўзбекларни Херсонда қабул қилганман. У маҳаллар, шу ердан сакхиз чақирим наридаги Хмельницкий совхозида директор, эдим, деб гап бошлади у: — Балким эсларсиз. Пахтачилик министрлиги пайдо бўлган, ҳурматли Усмон Юсупов бизнинг томонларга келиб, обиҳавонинг Тошкент билан қариб бир хиллиги, уч-тўрт даражага ҳаратнинг пастлиги эса Ўзбекистоннинг шимолий районларига тенглигини ўрганиб, пахта экдирган эдилар. Район газетамиз ҳам уч тилда: русча, украинча, ўзбекча босилар эди. Биз ҳам совхозимизнинг учдан бир ерига пахта экдик эдик. Ўзбеклар кўчиб келишганди. Лекин пахта гектарига сакхиз-тўққиз центнердан ошмади. Ўша кунлардан бир хотира қолган. Айтиб берайми?

— Айтиб беринг! — дедим астойдил қизиқиб. У юзидаги доим сесканиб турадиган чандиқ жойини қўллари билан силаб қўйди-да, ўзгинча катта очиб кулди. Мен вужудим қулоқ бўлиб тикилиб қолган эдим.

Олеся ҳам пинжимга тиқилиб олиб Чабанга тикилганча қолганди.

— Кечирасиз, сиз русчани яхши тушунасизми? — деди Чабан Олесяга қараб, уни ўзбек қизи деб фахмлаб.

Мен кулиб юбордим.

— Олеся, украин қизи, — дедим.

— Сиз, демак Украина куёвимисиз? — ажабланиб сўради мендан.

— Нима десам экан. Мен Украинанинг ўғлиман, десам ҳам бўлаверади, — дедим.

У украинчалиб Олеся билан гаплашиб кетди. Олесядан узр сўради. Боягида у машина томонга қарамаган, Олесяни Обком шоферларидан деб хаёл қилган экан.

— Кексалик, аллақачон қизларга қарамайдиган бўлиб кетганман! — деди у энди русчалаб.

— Афсус, афсус. Ўзини-ўзи «қаридим!» деган одамни ёқтирмайман! — деди Олеся иккимизга ҳам тенг қараб.

— Ҳақиқатдан кўзюмиб бўлармиди, қизим! — деди у сокинлик билан.

Унинг ўта хотиржамлиги, ўзини оғир ва салобатли тутиши менга ёқар эди. Боягн узилиб қолган гап давомини эшитгим келар, лекин унинг гапини бўлишни ўзимга эп кўрмас эдим. Ниҳоят ўзи буни тушунди шекилли:

— Шундай қилиб, украин деҳқонлари лавлаги экиладиган ерларга пахта экишди, — деб гапини давом эттирди:— Янгилик эмасми, қизиқиб ишлашди. Қолаверса, Усмон Юсупов уларни рағбатлантириб: «Бир кило пахтага йигирма олти кило буғдой беради», деган эдилар. Улар пахта вазнини ҳисобга олмай ўзларича хомчўт қилиб, бир-икки йилда бойиб кетишадигандай эди. Урушдан янги чиқилган йиллар эмасми, қаҳатчилик ҳамманинг жонига теккан эди. Энди бўлса ариза-болиш кучайиб кетган. Сизларда қалай?— деб менга юзланди у. Мен нима дейишимни билмай унинг оғзига тикилиб қолдим.

— Аризавозлик, — деди у, — кўмирга, ўтинга, ё нонга эмас. Машина сўраб!

Ҳаммамиз баравар кулиб юбордик.

— Пахта очилишини интизор кутишди. — У ҳикоясини давом эттирди: — у вақтларда машина йўқ эди. Пахта фақат қўлда терилар эди. Пахта очилган кун байрам бўлиб кетди. Унинг устига кузда шувуллаб турадиган ёмғир ҳам ёрмас эди. Омад келди, деб пахтани теришга киришдик. Далада хом, кўм-кўк кўсак қолди, холос. Тонна-тонна қилиб, қанор қопга тепиб жойлаб, пахтани ҳукуматга топширдик. Кейин деҳқонлар ҳордиқ оламиз, деб ариза кўтариб кира бошлашди. Мен «Шошманглар, ҳали яна очилади!» десам, «ҳаммасини териб олдик!» деб туриб олишди. Икки кун ўтказиб яна уларни далага олиб бордим. Далада оппоқ бўлиб пахта очилган, карталар худди бирор марта терилмагандай эди. Ҳаммининг ҳайратдан оғзи очилди. Ўзбекистондан олиб келинган этакларни тутишиб, яна теримга киришиб кетишди. Яна уч кун ўтиб яна шундоқ гап. Бир ҳафта ўтганда яна оппоқ. То қор тушгунча шундай бўлди. Баъзилар зерикишиб, ҳордиқ олишга ёзган аризаларини олиб, ишдан бўшатишимга ариза ёза бошлашди, — деди қўзини юмиб ҳандон отар экан у.

Олеся ҳам, мен ҳам унга қўшилиб ичимиз узилгудек кулар эдик. Кейин Чабанга қаердандир телефон келиб қолди. У бўлса ўша хурсанд кайфиятда:

— Келишди, пахта экканмисизлар, далаларингни кўрамиз, — деди.

Телефондаги одам гап маъносини унча яхши тушунмади шекилли, Чабан телефон дастасини қўйиб:

— Кетдик, бўлмаса!— деди бизга.

Ташқарига чиққанимизда, у Олеся билан сал орқароқда қолиб:

— Дўстингиз очиқ йигит экан. Умуман ўзбеклар ниманси биландир украинларга ўхшаб кетади. Балким тантилиги биландир! — деди. Мен бу гапни аниқ эшитдим. Тушундим.

Сўнгра Олесяга бир нимани икки қайталаб тушунтирди. Уни эшитмадим. Масофа узокроқ эди.

Кейин билсам, биз юрган машинани райком гаражига қулфлатиб, бизни ўз машинасида олиб юрмоқчи экан. Бу ҳам яхши бўлди. Олеся дам олади. Кўзимга бир оз хомшорок кўринаётган эди. Ким билади нимага? Чабан: «Сиз кимсиз?» деб сўраганини малол олдими?

Тўғри Будённий совхозига кириб бордик. У ерда «товуқ фабрикаси» бор экан. Биз етиб боришимизга товуқлар ўз катак инчаларидан чиқарилиб, майдонга қўйиб юборилган экан. Танафусга чиққан мактаб болаларидай у ён-бу ён чопиб юришарди.

Мен уларнинг мингминг саноғидан кўзим қамашиб:

— Товуқлар майдонда кутишяпти, шеър эшитишмоқчи, дейман! — дедим.

Чабан завқланганимни кўриб:

— Бир кунда йигирма минг дона тухум! Биласизми бу нима дегани? — деди-да, тухумнинг киши организмига афзаллигини, умуман қуш гўштининг фойдаси, экономик жиҳатлари ҳақида гапириб кетди. Кейин менга қараб қўйиб шоферига буюрди:

— Саша, клубга, тўғри клубга!

Клубга етиб борганимизда Чабан сўзини давом эттирди.

— Ана шеър эшитувчилар!

Машина ойнасидан қарасам, еру кўкни оппоқ халатли қизлар, хотинлар тутиб кетган эди.

Олеся энди ўзини қўлга олган, шунчаки мени кузатувчи эмас, Украина сафаримни бошқарувчидек мен ҳақимда кириш сўз қилиб, сўнгра менга сўз берар эди.

Бу гал ҳам шундай қилди. У мен ҳақимда гапира кетди.

— Ўзбекистонни биласизларми?

— Биламиз! — деб бир овоздан чуғирлашди қизлар.

Оппоқ халатда ҳаммалари бир хил. Ўрта мактабни тугатишган, совхозда, шу қуш фермасида ишга қолаверишган бўлишса керак.

— Бўлмаса, Ўзбекистон республикаси билан Украина республикаси мисоли ўн беш опа-сингиллар, ўн беш қардош республикалар орасида энг тўнғичлари ҳисобланишади. Яъни катта опалар! — деб гап тушунтира кетди Олеся.

Менга унинг гапи ёқар эди. Айниқса, у ўзини мен билан тақдирдош сезаётгани, учрашувимнинг мазмунли, ёқимли ўтишига қайгураётгани, мени бахтиёр этар, унга қараб тўймас эдим.

— Демак, ўзбек халқининг шоири ҳузурингизда! — деди Олеся ҳаммадан олдин чапак чалиб.

Мен ўрнимдан туриб қуллуқ қилдим.

— Ўзбекистонни биласизларми?

— Биламиз! — деб бир овоздан чуғирлашди қизлар.

Оппоқ халатда ҳаммалари бир хил. Ўрта мактабни тугатишган, совхозда, шу қуш фермасида ишга қолаверишган бўлишса керак.

— Бўлмаса, Ўзбекистон республикаси билан Украина республикаси мисоли ўн беш опа-сингиллар, ўн беш қардош республикалар орасида энг тўнғичлари ҳисобланишади. Яъни катта опалар! — деб гап тушунтира кетди Олеся.

Менга унинг гапи ёқар эди. Айниқса, у ўзини мен билан тақдирдош сезаётгани, учрашувимнинг мазмунли, ёқимли ўтишига қайгураётгани, мени бахтиёр этар, унга қараб тўймас эдим.

— Демак, ўзбек халқининг шоири ҳузурингизда! — деди Олеся ҳаммадан олдин чапак чалиб.

Мен ўрнимдан туриб қуллуқ қилдим.

— У гапида давом этди:

— Бу қатор китоблар муаллифининг асарларини ўқиганлар бордир. Бундан уч йилча бурун унинг «Ҳулкар» деб аталган киссалар китоби Москвада нашр этилганди. Унда: «Сенинг шаҳринг— менинг шаҳрим!» деган қисса бор. Ўша киссанинг бош қаҳрамонларидан бири сизга ўхшаш навқирон украин қизи. Уруш туфайли иккинчи она юрти Ўзбекистонга бориб, она-отасини топган, Василиса номи бир оз қисқариб Васила бўлган қиз...

У гапирар, зал сув қуйгандек жим эди. Ҳамма унга тикилиб қолганди. Мен ҳам.

«Повестимни қайдан билар экан!» деб аҳқаяр эдим. У соатига бир қараб олди-да:

— Саволларни ёзма равишда берингларчи, — деб қўйди гапи орасида. Стакандан бир қултум сув ичиб давом этди:

— У асли шоир. Унинг устози машҳур рус шоири Ярослав Смеляков. Смелянов-нинг ижодини яхши билсангиз керак. «Қатъий севги» достонининг муаллифи. Ҳозир Сайёрни ҳузурингизга таклиф этамиз!

Мен юзим ловуллаб олдинга чиқдим. Шеър ўқий бошладим:

Ўзбек — қўшиқ каби қалбларни қамрар,
Ўзбек — ўз қўшиғин айтиб келади.
Пахта, деб ҳайқирсанг жаҳонга агар,
Ўзбек, деб садоси қайтиб келади!

Мен яна Олесяга қарадим. У менинг оғзимни пойлаб, гўё жим-жит залга сингиб, қўшилиб кетгандай менга қараганча ўтирар эди.

Унга ўгрилиб, кўксимга қўлларимни қўйиб таъзим қилдим-да:

— Ўртоқ будённийчилар! Улуғ саркардадек асло отдан тушманглар!

—Тақдир тақозоси билан мана кўриб турибсиз, шоир бўлиб сизлар ҳузурингизга ташриф буюрдим. Ўзбек шоирларининг ҳамма-ҳаммаси ҳам мен каби Украинани севади. Нафақат шоирлар. Бутун ўзбек халқи Украина халқини севади. Бу севги-муҳаббат қатор оғир синовлардан шараф билан ўтган. Улуғ Ватан урушида ўзбеклар бошқа қардош халқлар билан, украинлар билан бир сафда шу ерларда ҳам немис-фашист босқинчиларига қарши жанг олиб боришган. Ўзбекистон халқ шоири, Украинанинг, сизларнинг «чўвингиз, ўзбек фарзандингиз Уйғун бу ерларга келиб:

Херсоннинг бурнида сўнгги жанг бўлди,
Сўнгги ўқлар учди кўкда визиллаб,

деб шеърлар ёзган эди. Устоз йўлидан роса ўттиз йилдан кейин мен севги қидириб, меҳр қидириб сизларга келдим. Мақсадим сизга бўлган садоқатимни шеърга солиш.

• *Билиб қўйган яхши*

ЁЗДА СИНТЕТИК КИЙИМ КИЙМАНГ

Ҳозирги пайтда халқимизнинг кийим-кечакка нисбатан ўсиб бораётган талабини фақат жун ва пахта толаларидан тўқилган матолар билан қондириб бўлмайди, албатта. Шу сабабли енгил саноатда янгидан-янги кўплаб химиявий ва синтетик толалар ишлаб чиқарилмоқда.

Шуни айтиш керакки, синтетик матолар сифати жиҳатидан табиий толалардан тайёрланган кийимлардан фарқ қилади. Айрим пайтларда, бундай кийим-кечаклар киши организмига салбий таъсир ҳам этиши мумкин.

Олимлар томонидан олиб борилган текширишлар шуни кўрсатадики, синтетик матолардан тикилган кийимларни (пальто, плашч) ёки синтетик ва табиий толаларнинг аралашмасидан тикилган кийимларни кийган кишиларда умумий ҳолатнинг ёмонлашиши, иш қобилиятининг пасайиши, организмнинг ҳаддан ташқари исиб кетиши ёки совуқ қотиш аломатлари сезилган. Бу нарса асосан сунъий матолардан тайёрланган кийимларда электр зарядларининг тўпланиши, ҳаво ва намликнинг ёмон ўтиши натижасида вужудга келади. Айниқса, иссиқ иқлим шароитида бундай кийим-кечаклардан зарарли химиявий моддалар ажралиб чиқиши ва киши организмига салбий таъсир этиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Одатда ҳар бир янги яратилган сунъий толалар ва матолар, улардан тикилган кийим-кечаклар гигиеник томондан ҳар томонлама текширишдан ўтказилади, фақат ижобий баҳо олган сунъий матолар ва кийим-кечакларни ишлаб чиқаришга руҳсат берилади.

Хўш, синтетик матолардан тайёрланган кийим-кечак ва пойафзалларни қийишда қандай гигиеник тавсияларга амал қилиш керак? Аввало шуни айтиш керакки, синтетик матолар намликни ёмон шимади ва ўтказади, иссиқликни ўтказиш хусусияти жуда паст. Шу сабабли, йилнинг иссиқ фаслида сунъий матолардан тикилган кийимларни кийиш мақсадга мувофиқ эмас.

Сўнгги пайтларда айрим кишиларда сунъий матоларга нисбатан ўта сезувчанлик (аллергия) аломатлари тез-тез учрамоқда. Бундай ҳолларда, шунингдек ҳомиладор аёллар, ёш болалар сунъий матолардан тикилган ич кийим, пайпоқларни киймасликлари керак.

Микробиологик текширишлар шуни исботладики, сунъий матоларни ювганда фақатгина 60—70 процент микроблардан холос бўлиши мумкин экан. Бунинг сабаби, синтетик кийимларни қайнатиш мумкин эмас. Шунинг учун сунъий матолардан тикилган кийим-кечаклар яхшилаб дазмолланиши ёки микробларни ўлдирувчи дорилар билан ювилиши лозим.

Маълумки, ўлкамизнинг иқлими ёз фаслида қуёш нурининг ўткирлиги ва ҳаво ҳароратининг юқорилиги, намлигининг пастлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун кийимкечак учун ишлатиладиган матолар ўзидан иссиқликни кам ўтказиш хусусиятига эга бўлиши билан бирга, ҳавони ва намликни яхши ўтказиши керак. Тикилган кийимлар енгил, юмшоқ, ораминда иссиқлик алмашинувини яхшилаш лозим. Кийим баданни сиқмаслиги, нафас олиш ва қон айланишини қийинлаштирмаслиги, ҳаракатни чекламаслиги айни муддао бўлади.

Ҳар бир киши кийинишида санитария-гигиена қоидаларига амал қилиши, сунъий матолардан тайёрланган кийимлардан ўринли фойдаланиши ўз саломатлигининг гаровидир.

М. МУРОТОВ
Ўзбекистон санитария, гигиена ва касб касалликларн илмий-тадқиқот институтининг лаборатория мудири, медицина фанлари кандидати.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

М. АЗИМЖОНОВ: Айтингчи, ишчи ёки хизматчини ишга қабул қилаётганда уни дастлабки синовдан ўтказишдан кўзда тутилган мақсад нима? Ҳамма категориядаги хизматчилар учун дастлабки синов муддати бир хил қилиб белгиланганми? Балоғатга етмаган ёшларга ҳам шундай тартиб қўлланадими?

Жавоб: Меҳнат шартномаси тузилаётган пайтда томонларнинг, яъни маъмурият билан ишга кираётган ишчи ёки хизматчининг келишувига биноан синов муддати белгиланиши мумкин. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад — ишчи ёки хизматчининг қабул қилинаётган ишга яроқли ёхуд яроқсизлигини аниқлашдир.

Дастлабки синов муддати ишчилар учун бир ҳафтадан, хизматчилар учун икки ҳафтадан ва масъул ходимлар учун бир ойдан ошмаслиги керак.

Ишчи ёки хизматчининг вақтинча меҳнатга лаёқатсиз пайти, шунингдек, бошқа узрли сабабларга кўра ишга чиқмаган кунлари синов муддатига кирмайди.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, ҳунар-техника билим юртларини битирган ёш ишчиларга, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларини тугаллаган ёш мутахассисларга, банд этиб қўйилган жойга ишга келган Улуғ Ватан уруши инвалидларига, шунингдек, вақтинчалик ва мавсумий ишларга қабул қилинадиган шахсларга бундай синов муддати белгиланмайди.

• • •

Э. ХОЛМУРОДОВ: Мен бу йил саккизинчи синфни тугалладим. Ниятим — совутиш ускуналарини ремонт қиладиган мутахассис бўлиб етишишдир. Шаҳримизда шундай касб эгаларини тайёрлайдиган билим юртлари борми? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Саноатдаги совутиш жиҳозларини ремонт қиладиган ва уларга хизмат кўрсатадиган машинистлар шаҳримиздаги 57-ҳунар-техника билим юртида тайёрланади. Бу билим юрти Високовольт массивидаги 3-секторда жойлашган.

Совутиш жиҳозларини ремонт қиладиган слесарлик ихтисослигини эса шаҳримиздаги 155-ўрта ҳунар-техника билим юртида эгаллаш мумкин. Бу билим юрти Червяков кўчасидаги 12-уйда жойлашган.

Қабул шартлари билан бевосита ҳунар-техника билим юртларининг дирекциясига бориб танишишингиз мумкин.

• • •

Д. САРИМСОҚОВ: Менинг бир масала қизиқтиради: меҳнат интизомини бузган ишчи ёки хизматчига бирданига иккита жазо: ҳам выговор берилиши, ҳам унинг паст ҳақ тўланадиган ишга ўтказиш мумкинми?

Жавоб: Баъзи ишчи ва хизматчилар меҳнат интизомини бузган киши аввал огоҳлантирилади, кейин яна такрорласа, выговор берилади, деб нотўғри ўйлашади. Корхона ёки муассасанинг маъмуриятига шундай ҳуқуқ берилганки, ходимнинг айби оғир ёки енгилигига қараб гарчанд у илгари мутлақо жазо олмаган бўлса ҳам, қаттиқ жазо чорасини олиши, масалан, унга выговор эълон қилиниши мумкин.

Сизнинг саволингизга келганда шуни айтиш керакки, айбдор ходимга бирданига икки жазо берилмайди: бинобарин унга ҳам выговор бериб, айни пайтда уни паст ҳақ тўланадиган ишга ўтказиш мумкин эмас. Чунки меҳнат интизомини бузган ходимга фақатгина битта жазо чораси кўрилиши лозим.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Зюшкент бет оқшоми

15 ИЮЛЬ 1981 й.

ШИФОБАХШ БУЛОҚ

Гидрогеологлар Фрунзе шаҳрининг марказида Қирғизистон курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти биносидан 150 метр берида хлорид-натрий-кальцийли сув булоғини очдилар.

Цельсий ҳисоби билан 39 градусли иссиқ минерал сув бир ярим минг метр чуқурликдан отилиб чиқди. У бир кунда 200 куб метрдан кўп шифобахш сув бермоқда.

Шундай қилиб, шаҳар ичида тўртинчи минерал булоқ очилди. Ундан фойдаланиш шаҳар курорт-профилактика муассасалари тармоқларини кенгайтиришга имкон берди. Энди ҳар куни 10 мингга яқин меҳнаткаш республика пойтахтининг шифобахш сувларида соғлигини яхшилаб олади.

(ТАСС).



Болалар сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишда шифокорлар фидокорлик кўрсатишмоқда. Юнусободдаги кўп профилли болалар касалхонаси шифокорларидан ҳамшаҳарларимиз хурсанд бўлишяпти.

СУРАТДА: касалхонанинг бош врачи, СССР соғлиқни сақлаш аълочиси, врач-хирург Рустам Қосимов шифокорлардан Гули Рашидова, Маҳбуба Рустамбекова, Мавжуда Маҳаммаджоновалар билан беморни даволаш ҳақида фикрлашишмоқда.

Х. Шодиев фотоси.

НАБОТОТ — ҲАЁТ МАНБАИ

Гиёҳ–беморга даво

Табиат маҳсули доривор ўсимликлар дунёси ўз неъматлари билан танга ором бахш этиши, нафис назокати билан эстетик завқ бериши ташқари, турли хасталикларни даволашда қадимдан кенг фойдаланиб келинган. Бундан беш минг йил аввал ёзилган шен-нун гиёҳномасида азалий чинликларга маълум бўлган 230 турдаги шифобахш ва заҳарли ўсимликлар тўғрисида маълумот берилади. Папирусга битилган Зберснинг «Бутун бадан учун дориларни тайёрлаш китоби» асаридан бундан 3600 йил аввал ёзилган бўлиб, унда ҳозирда ҳам кенг қўлланилаётган бир қатор ўсимликлар ҳақида тушунча берилган.

Илмий медицинада қўлланиладиган дорилар-монларнинг қарийб 40 процентдан кўпроғини ўсимлик маҳсулотлари ташкил этади. Шу туфайли медицинада доривор ўсимликларга бўлган талаб йилдан йилга ошиб бормоқда.

Доривор ўсимликларни саноатга етарли тайёрлаб бериш меҳнатнаш ҳалқимизнинг саломатлигини сақлашга қўшилган катта ҳисса бўлади. Даволашпрофилактика муассасаларининг ҳамда меҳнаткашларнинг доривор ўсимлик маҳсулотларидан олинадиган дори-дармонларга нисбатан ошиб бораётган эҳтиёжини қондириш учун ҳар бир киши доривор ўсимликларни йиғишда қатнашиши мақсадга мувофиқдир.

Кейинги йилларда доривор ўсимлик маҳсулотларини йиғиш ва тайёрлашда асосан маҳсулотни бошқа ўсимликдан ажрата олиш, медицинада қай мақсадда ишлатилишини аниқлаш, уни қуритиш ва сақлаш қоидаларига амал қилиш лозим.

Маълумки, биологик актив моддалар ўсимликларда бир хил миқдорда учрамайди. Шунинг учун ўсимликларнинг асосан биологик актив моддалари кўп бўлган илдизи, пўстлоғи, барги, гули, меваси йиғиб олинади.

Ўсимликнинг илдизи одатда ўсимлик уйқуга кирган даврда — кеч кузда ёки ўсимлик уйғонмасдан олдин — эрта баҳорда тайёрланади. Йиғилган илдиз лой, тупроқ, қумдан яхшилаб тозаланиб, сўнг очиқ ҳавода қуритилади. Ўсимликнинг ер устки қисми, пояси, барги ва гуллари ўсимлик гуллаш пайтида йиғилади. Ўсимлик барглари асосан гуллаш олдидан ёки гуллаганида безарар йиғиб олинади ва тоза ерда, қуёш нури тушмайдиган, бостирма ёки чордоқларда ёйиб қуритилади.

Доривор ўсимликларни тайёрлашда унга бегона ўтлар ёки шу ўсимликни бошқа қисмлари аралашиб кетишига йўл қўймаслик керак, акс ҳолда маҳсулот сифати бузилиб, яроқсиз бўлиб қолиши мумкин.

Шифобахш гиёҳларни йиғиш ишларини оммалаштириш бемор соғлиғини сақлашдек олийжаноб вазифа эканини чуқур ҳис этишимиз керак.

Н. МЎМИНБЕКОВ, республика дорихоналар Бош бошқармаси доривор ўсимликлар тайёрлаш ва қадоқлаш бўлимининг мудири.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

ТОШКЕНТДА ЕСЕНИН МУЗЕЙИ

Ўзбекистон пойтахтида Сергей Есенин музейи очилди. Музей Високовольтний массиви марказида жамоатчилик асосида ташкил этилди. Экспозицияда шоирнинг ҳаёт вақтида нашр этилган шеърий тўпламлари, бошқа мақолалар, кўплаб фото ҳужжатлар, замондошларнинг магнитофонга ёзилган эсдаликлари бор. Россия улуғ фарзандининг ҳаёти ва ижодига бағишлаб рассом В. Николюк чизган картиналар музей деворларини безаб турипти.

Музейда «Есенин ва шарқ» бўлими алоҳида ўрин эгаллайди. Маълумки, шоир Тошкентда бўлган, бу ердаги адабий кечаларда ўз асарларини ўқиб берган, Ўрта Осиё бўйлаб қилган сафари, бу ўлка халқларининг қадимий маданияти билан танишув шоирда ёрқин таассуротлар қолдирган. Бу таассуротлар эса унинг бир қанча шеърларида ўз аксини топган. Бўлимда Есенининг ўзбек ва бошқа тилларга таржима қилинган асарлари, ўзбекистонлик таниқли адабиёт ва санъат арбобларининг шоир ижоди тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари қўйилган.

Сергей Есенин музейи айни вақтда Луначарский номидаги маданият уйи ҳузурида ишлаб турган «Гўзаллик оламида» тўгарагининг машғулот ўтадиган жойи бўлиб қолади. Шоир туғилган куннинг 90 йиллигигача эса унинг номи билан аталадиган кўчада Есенинга ҳайкал ўрнатишга қарор қилинди.

(ЎзТАГ).

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

КИНО

15 ИЮЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ҲАММА НАРСАДАН АЗИЗ» (2-фильм) — **Қозоғистон.**

«ҚИЙИН ДАЛА» — **Нукус.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МАШАҚҚАТЛАР ОША ЮЛДУЗЛАРГА» — **Санъат саройи** (катта зал, 18.30, жавоб берувчи автомат телефон 44-39-51), **Чайка** (16, 19 жавоб берувчи автомат телефон 77-06-20).

«РИСОЛАДАГИ ЭР» — **Қозоғистон** (жуфт соатларда, жавоб берувчи автомат телефон 35-24-92), **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«ТЕРРОР» ОПЕРАЦИЯСИНИНГ ҲАЛОКАТИ» — **Қозоғистон** (16, 17, 20.00 да, жавоб берувчи автомат телефон 35-24-92).

«ДОСТОЕВСКИЙ ҲАЁТИДАН 26 КУН» — **Искра** (17, 20.00 да, жавоб берувчи автомат телефон 39-14-59).

16 ИЮЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР

«ҲАММА НАРСАДАН АЗИЗ» (2-фильм) — **Қозоғистон.**

«ҲАММА НАРСАДАН АЗИЗ» (3-фильм) — **Москва.**

«ҚИЙИН ДАЛА» — **Нукус.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МАШАҚҚАТЛАР ОША ЮЛДУЗЛАРГА» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, жавоб берувчи автомат телефон 44-39-51), **Чайка** (10, 13, 16, 19, жавоб берувчи автомат телефон 77-06-20).

«РИСОЛАДАГИ ЭР» — **Қозоғистон** (жуфт соатларда, жавоб берувчи автомат телефон 35-24-92), **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«СИЦИЛИАНЧА ҲИМОЯ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, жавоб берувчи автомат телефон 96-34-02).

«ТЕРРОР» ОПЕРАЦИЯСИНИНГ ҲАЛОКАТИ» — **Қозоғистон** (12, 13, 16, 17, 20.00 да, жавоб берувчи автомат телефон 35-24-92), **Ҳамза номли** (10.30, 13, 16, 18.30, 21.00 да, телефон 91-10-51).

«ДОСТОЕВСКИЙ ҲАЁТИДАН 26 КУН» — **Искра** (17, 20.00 да, жавоб берувчи автомат телефон 39-14-59).

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети

30-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича 1981—82 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Эркаклар устки кийимларини тикувчи (якка тартибда кийимлар тикиш), **хотин-қизлар устки кийимларини тикувчи** (якка тартибда кийимлар тикиш), **хотин-қизлар енгил қўйлакларини тикувчи** (якка тартибда кийимлар тикиш), **ошпаз, кондитер, мураккаб маиший приборлар ремонти бўйича слесарь, озиқ-овқат молларининг сотувчиси, фотограф, хотин-қизлар сартароши, эркаклар сартароши.**

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотли 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати — 1 — 1.5 — 2 — 3 йил.

Ўқишга қабул қилинганлар стипендия билан таъминланадилар.

Қабул тўғрисида директор номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, справкалар: саломатлиги тўғрисида (286-форма), ота-онасининг иш жойидан, турар жойидан; 6 та фотосурат, таржимаи ҳоли.

Ҳарбий хизматга чақирилувчилар қайд этилганлик гувоҳномасини шахсан кўрсатадилар.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, 1/2 Қорақамиш массиви, (42, 43, 43«э», 56-автобуслар, 27-трамвайнинг «Мактаб» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

235-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

радиоаппаратуралари ва асбоблар монтажчиси, радиоаппаратураларни созловчи, радиоаппаратураларни слесарь-йиғувчиси, токарь-универсаль, гальваника ихтисослигини эгаллаш ва ўрта маълумот олиш истагида бўлган 8-синфни битирган йигит ва қизларни қабул қилади.

Ўқиш муддати — 3 йил.

Ўқувчилар билим юртини тугатганликлари ҳақида диплом оладилар ва давлат таъминотида бўладилар.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида барча ўқувчиларга малакали мутахассислар оладиган иш ҳақининг 33 процентига миқдорида мукофот пули тўланади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларисиз йўлланма оладилар.

Қуйидаги ҳужжатлар керак бўлади: ариза, гувоҳномалар: маълумоти тўғрисида, туғилганлиги тўғрисида; 4 та фотосурат (3х4 см.), медицина справкаси (286-форма).

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 12-алоқа бўлими, 2-Сергели» массиви, 64-уй (40, 58, 75-автобуслар, 15-троллейбуснинг «3-квартал» бекати).

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

15 ИЮЛЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

17.45 Брестда уруш ветеранларининг Халқаро учрашуви. 18.00 «Биргаликда, аҳил оиламиз». 18.30 «Горнчилар, қаердасиз?». 19.00 «Расмларда қўёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.45 Экранда — кинокомедия. «Волга-Волга». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 «Нима? Қаерда? Қачон?» Телевизион викторина. 22.45 «Дунё воқеалари». 23.00 «Нима? Қаерда? Қачон?». Кўрсатувнинг давоми. 23.20 «Заргарлар ўлкасида». Телевизион ҳужжатли фильм.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Қизиқарли учрашувлар». Ёш мухбирларнинг СССР халқ артисти, кинорежиссёр Малик Қаюмов билан учрашуви. 19.00 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА! «Мусобақа — омма иши». 19.30 «Ахборот (рус.). 19.45 СССР ёзувчиларининг VII съезди якунларига доир. «Ёзувчи ва давр». 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Пўлдошева ва Ж. Раҳимов концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» (Москва) — «Пахтакор». В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Олимпдан қайтиш». 19.00 «Дўмо навқирон романс». Музикали кўрсатув. 19.50 «Илонлар». Телефильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Бизнинг бош мухбиримиздан» (рус.). 20.50 Н. Тихонов. «Инглар ва йўллар». Фильм-портрет (рус.).

16 ИЮЛЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Моҳир қўллар». 10.35 «Волга-Волга». Бадиий фильм. 12.15 Воронеж Давлат санъат институти халқ чолғу оркестрининг концерти. Воронеждан олиб кўрсатилади. 12.40 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси. 16.20 РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Н. Сергеев раҳбарлигидаги РСФСР Давлат духовой оркестрининг концерти. 16.50 «Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари». Белгород ишлаб чиқариш техника комплектация бошқармасининг иш тажрибаси тўғрисида. Кўрсатувда КПСС XXVI съездининг делегати, Белгород шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. И. Путивцев иштирок этади. 17.05 «Шахмат мактаби». 17.35 «Зарница» маршрутлари бўйлаб».

ОЖАРИСТОН АССРНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

18.20 «Ожаристон бўйлаб». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.45 Ожаристон АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 «Фан оламида». Академик А. Н. Несмеянов. 20.20 Марказий телевидение экранида биринчи марта. «Очиқ ҳавода эркаклар ўйини». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 «Тинчлик ва дўстлик поэзияси». СССР ёзувчилари VII съездининг делегатлари ва чет эллик меҳмонларнинг М. Горький номли Марказий маданият ва истироҳат боғида китобхонлар билан учрашуви. 22.45 «Дунё воқеалари». 23.00 «Тинчлик ва дўстлик поэзияси» кўрсатувининг давоми. 23.35 М. Тариверднев романсларини РСФСРда хизмат кўрсатган артист И. Лебедева ижро этади.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат гунчалари» (такрорий). 12.00 «Том Сойернинг саргузашти». Телевизион бадиий фильм (рус.). 13.15 «Мактаб манзаралари». Фильм-концерт. 13.45 «Катта оила», «Кичкинтой». «Оталар ва болалар» туркумидан телевизион ҳужжатли фильмлар.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Филча Гошанинг дўстлари». Мультфильм. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Эстафета давом этади». 19.00 «Жанговар постда» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Кинорадакция почтасидан». 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси «Шодлик» ансамблининг концерти (такрорий). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Турмуш ва маданият». 22.35 О. Ёқубов. «Диёнат». Кўп серияли телевизион видеофильм. 3-серия. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Қўзойнакли бола». 19.25 «Олтин тўй». Фильм-концерт. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Орган куйлари. 21.00 Абитуриентлар учун. Математика. 22.00 Б. Лавренёв туғилган кунининг 90 йиллигига. «Оддий нарса ҳақида ҳикоя». Телевизион бадиий фильм (рус.).

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ШАҲАР ЭКРАНЛАРИГА

«ТЕРРОР» ОПЕРАЦИЯСИНИНГ ҲАЛОКАТИ»

(2 серияли)

ЯНГИ КЕНГ ЭКРАНЛИ, РАНГЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИ

ЧИҚАРДИ



Постановкачи-режиссёр — Анатолий БОБРОВСКИЙ.

Ролларни ижро этадилар: Ф. Э. Дзержинский — КШИШТОФ ХАМЕЦ, Иван Васильевич — СЕРГЕЙ ШАКУРОВ, Лида — ЕЛЕНА ЦИПЛАКОВА ва бошқалар.

1921 йил. Барча жойлардаги муҳожирларнинг раҳбарлари, капиталистик давлатларнинг реакцион раҳбарлари Гражданлар урушидаги қақшатғич мағлубиятдан сўнг жаҳонда биринчи ишчилар ва деҳқонлар давлатининг иқтисодий ҳамда сиёсий қамал қилинишига алоҳида умид боғлаган эдилар.

Ташқи ва ички контрреволюция бирлаша бошлайди. Борис Савинков раҳбарлигидаги эсерлар кечаги рақиблари — монархистлар, кадетлар, октябристлар билан музокаралар столига ўтиришга ҳозиру нозир бўлиб туришибди. Уша пайтда энг машаққатли кунларни бошидан кечираётган янги Совет Россиясига бўлган ғазаб ва нафрат уларни бирлаштира бошлайди.

Мамлакатда озиқ-овқат ва транспорт танқислиги ҳукмрон. Бунинг устига юз берган қурғоқчилик Волгабўйи, Украина, Шимолий Кавказ ерларининг ҳолатини анча танг қилган. Очарчилик ва қурғоқчилик, темир йўллар ишламайди, поездлар мотамсаро тўхтаб қолган.

Транспорт бутун халқ хўжалигини қайта тиклашда муҳим аҳамият касб этади. Ана шунинг учун ҳам Владимир Ильич Бутунроссия фавқулодда комиссиясининг раиси Ф. Э. Дзержинскийни темир йўллар халқ комиссари этиб тайинлайди.

Дзержинский собиқ темир йўл генерали Борисовни ва ўтмишда эсерлар билан алоқаси бўлган таниқли темир йўл инженери Николаевни ҳамкорликда ишлашга жалб этади.

«МОСФИЛЬМ» (СССР) КИНОСТУДИЯСИ, «ПРФ—ЗФ» (Польша) СТУДИЯСИ «СОВИНФИЛЬМ» Бутуниттифоқ бирлашмаси (СССР) ва ГДРнинг «ДЕФА» студиялари иштирокида) МАҲСУЛОТИ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИНИНГ 243-АВИАРЕМОНТ ЗАВОДИ ҚОШИДАГИ

121-АВИАРЕМОНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1981—82 ўқув йили учун

ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти 8-синф базасида (ўқиш муддати —3 йил) **ва 10-синф базасида** (ўқиш муддати —1 йил) **қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди:** учиш аппаратларини йиғувчи-парчин ловчи, учиш аппаратларини тузатувчи слесарь, самолётлар агрегатларини тузатувчи слесарь, учиш аппаратлари ускуналари бўйича электромонтажчи, механика-йиғув ишлари слесари, токарь, газ-электр пайвандчи.

МАШҒУЛОТЛАР —1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 8— 10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ТОШКЕНТЛИК ВА БОШҚА ШАҲАРЛИК ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАР ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИНИНГ 243-АВИАРЕМОНТ ЗАВОДИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ БОШҚАРМАСИНИНГ БЎЛИНМАЛАРИДА ҲАМДА ШАҲАРДАГИ БОШҚА КОРХОНАЛАРДА ИШЛАЙДИЛАР

Завод ишчиларига отпуска даврида дам олишга самолётга бепул билет берилади ва улар граждан авиацияси хизматчилари учун белгиланган бошқа имтиёзлардан фойдаланадилар. Билим юртида 3 йил ўқийдиганлар давлат таъминотида бўладилар, бир йил ўқийдиганлар эса 68 сўмдан 80 сўмгача стипендия оладилар.

Бошқа шаҳарлардан келган ўрта маълумотли ўқувчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар институтлар ва техникумларга ўқишни давом эттириш учун юборилади лар

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 та фотосурат, ўқиш жойидан характеристика.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, ГА авиашаҳарчаси (25, 66, 61, 38-автобусларнинг «ГА авиашаҳарчаси», 2, 10-трамвайларнинг «Темир йўл транспорти инженерлари институти» бекати). Телефонлар 99-96-46 (ички телефон 6-46), 99-97-19, 91-20-33).

СОТУВЧИЛИК — КЕРАКЛИ КАСБ

ҲАЁТДА ҚАНДАЙ ПЎЛНИ ТАНЛАШ КЕРАК? ҚАЙСИ КАСБНИНГ СОҲИБИ БЎЛИШ ЛОЗИМ? ҲАММА КАСБЛАР ҲАМ БИР-БИРИДАН АЪЛО.

Балки сиз сотувчиликни эгаллаш иштиёқидадирсиз? Сотувчи— бизнинг энг яқин ёрдамчимиз. Унинг мулойим сўзидан, молни чаққон ва усталик билан қоғозга ўраб беришидан, харидорни табассум билан кузатишидан мамнун бўламиз, кайфиятимиз кўтарилади, ана шу магазинга яна тез-тез келиб туришга жазм этамиз.

ЁШЛАР, БУГУН БИЗ СИЗЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИБ АЙТАМИЗКИ,

«БЕЛОРУСЬ» МАКТАБ-МАГАЗИНИГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ!

Ўқиш муддати— 4 ой.

МАКТАБ ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИНИНГ КИЧИК СОТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАБ ЧИҚАРАДИ.


МАКТАБ-МАГАЗИНИГА 16 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ҚИЗЛАР ВА ЙИГИТЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР. **Тошкент шаҳрида доимий пропискаси бўлиши шарт.**

Ўқувчиларга ойига 53 сўмдан 65 сўмгача стипендия тўланади.

ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

МАКТАБ-МАГАЗИНИНИ БИТИРГАНЛАР КУЙБИШЕВ РАЙПИШЧЕТОРГИНИНГ ЙИРИК МАГАЗИНЛАРИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

Мактаб-магазинга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: ўрта маълумоти тўғрисида аттестат ёки 8 синфни тугатганлиги ҳақида гувоҳнома, мактабдан ёки кейинги иш жойидан характеристика, турар жойидан справка, 4 та фотосурат (6х9 см.), меҳнат дафтарчаси (бор бўлса).



МАШҒУЛОТЛАР ГУРУПАЛАРНИНГ ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: Тошкент шаҳри, Луначарский шоссеси (13, 22-трамвайлар, 17, 18-троллейбусларнинг «Партия мактаби») бекати метронинг «М. Горький майдони» станцияси).

Маълумотлар олиш учун қуйидаги телефон бўйича мурожаат этилсин: 66-00-66.

КУЙБИШЕВ РАЙПИШЧЕТОРГИ.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

«УЗЭНЕРГОСБИТ»

ШУНИ ЭСЛАТИБ ЎТАДИКИ,

электр қувватини тежаб сарфлаш ва ундан фойдаланганлик ҳақини ўз вақтида тўлаб туриш —ҳар бир кишининг бурчидир.



Кундузлари ортиқча чироқ ёқиб электр қувватини беҳуда сарфламанг. Уйингиздан чиқиб кетаётганда чироқларни албатта ўчириб кетинг.

АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Электр қувватидан фойдаланганлиги учун счетни ҳар ойнинг биринчи ўн кунлигидан кечиктирмай ёзиб, пулни давлат банкасининг кирим омонат кассаларига тўлашингиз лозим.

Счётлар 1 киловатт-соат электр қуввати учун 4 тийин ҳисобидан тўланади.

Улуғ Ватан урушининг 1, 2, 3 группа инвалидларига, иттифоқ, республика, маҳаллий аҳамиятдаги пенсионерларга ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига, ҳалок бўлганлар учун пенсия оладиганларга электр қувватидан фойдаланганлиги учун ҳисоб-китоб қилиш пайтида имтиёзлар берилади. Бундай кишилар учун ҳам тариф қийматининг 50 процентини ташкил этади.

Агарда ишлатиб бўлинган расчёт дафтарчасини алмаштириш зарурати бўлса «Узэнергосбит»га мурожаат этиш лозим.

Бизнинг адресимиз: 700047, Тошкент шаҳри 1-Май кўчаси, 101-уй (1, 2, 3, 4, 13, 22, 25, 28, 5-трамвайларнинг «Дизельная» бекати).

Янги ҳисоб-китоб дафтарчасини почта орқали ҳам олиш мумкин. Бунинг учун «Узэнергосбит»га абонентнинг номери, фамилияси, исми, отасининг исми ва аниқ адреси кўрсатиб ёзилган открытка юбориш ёки 32-29,56, 33-78-60 телефонлари орқали қўнғироқ қилиб айтиш мумкин.

УНУТМАНГ! Счетларни ўз вақтида тўламаслик электр қуввати узатилишини огоҳлантиришсиз тўхтатиб қўйишга олиб келади.

«УЗЭНЕРГОСБИТ».

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

95-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича 1981—82 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Металл бўйича токарь, механика йиғув ишлари слесари, слесарь-ремонтчи, электр пайвандчи, электр кўприкли крани машинисти, техника контроли бўлимининг контролери, автослесарь, фрезерчи.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотли, 15 ёшдан 25 ёшгача бўлганлар қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати 8-синф ҳажмида маълумотлилар учун — 2 йил, 10-синф ҳажмида маълумотлилар учун эса — бир йил.

Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқувчилар билим юртини битирганларидан кейин юқори малакали мутахассис дипломини оладилар, шунингдек олий ўқув юртлари ва техникумларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўқувчилар таълимнинг икки йиллик ўқиш муддати давомида давлатнинг тўла таъминотида бўладилар, техника билим юрти программаси бўйича бир йиллик муддат билан таълим оладиганлар ойига 30 сўмдан стипендия оладилар.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртида номлари юқорида кўрсатилган ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайдиган 6 ойлик курслар ҳам ташкил этилмоқда. Ўқувчилар ёши чекланмаган (электр пайвандчи, электр кўприкли кран машинисти ихтисосликлари бўйича ўқувчилар ёши камида 17,5 ёш бўлиши керак).

БОШҚА ШАҲАРЛАРДАН КЕЛГАНЛАРГА ЁТОҚХОНАЛАРДАН ЖОЙ БЕРИЛАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур бўлади: директор номига ёзилган ариза, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), автобиография, справкалар: турар жойидан, медицина (286-форма), ота-онасининг иш жойидан характеристика.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адресимиз: 700077, Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Владимирский переулоги, 15-уй (164, 17, 24 63, 102-автобусларнинг «Партия мактаби» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

139-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1981—82 ўқув йили учун

8—10 СИНФНИ ТАМОМЛАГАН ЁШЛАРНИ ЎЗБЕК ВА РУС ГРУППАЛАРИГА

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЗАРГАРЛИК, ЧИННИГА ГУЛ СОЛИШ, ЧИННИНИНГ ШАКЛИНИ ТАЙЁРЛОВЧИ, ЧИННИ САРАЛОВЧИ, СЛЕСАРЬ-МЕХАНИКЛАР.

Ўқиш муддати — 1—3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДА БЎЛГАН, 8—10 СИНФНИ БИТИРГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати 8-синф маълумотига эга бўлган ёшлар учун 3 йил. Ўқишга қабул қилинганлар бош-оёқ кийим ва уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

10-синфни тамомлаганлар учун ўқиш муддати 1—1,5 йил бўлиб, стипендия берилади, ишлаб чиқариш практикаси вақтидаги иш ҳақининг 33 процента тўланади.

Билим юртини битирганларга ўрта маълумот ҳақида ҳамда танлаган мутахассисликлари бўйича диплом берилади.

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН БИТИРГАНЛАР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА ИМТИЁЗЛИ ШАРОИТДА КИРИШЛАРИ МУМКИН.

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига киради.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ. МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ариза, мактабдан характеристика маълумоти ҳақида гувоҳнома (асли), туғилганлиги ҳақида гувоҳнома (асли), турар жойидан справка, 6 дона (3х4 см.) фотосурат, ота-онасининг иш жойидан справка, медицина справкаси (286-форма).

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Сабғон кўчаси, 17-тупик, 4-уй (38, 49, 59, 76, 116-автобусларнинг «Қўштут» бекати). Телефон 44-30-07).

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Марказий лойиҳа-конструкторлик ва технология бюроси коллективи Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрининг биринчи ўринбосари

Петр Евдокимович БОБИЛЁВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

---

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»), — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат —33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 22-53-66; саноат—32-53-83; қурилиш— 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83, совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари —32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—33-55-32; хатлар —33-29-70; вилоятлар бўлими —33-81-42; вашриёт диспетчери 32-78-94; вашриёт телефон станциясининг навбатчилари— 39-90-50.

15 ИЮЛЬ, 1981 й. Р. — 07254. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64581. В — 2159.